Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 1-yanvar, seshanba ✱ № 1 (805) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз юртдошларим!

Қадрли дўстлар!

Янги йилга саноқли дақиқалар қолган мана шу шукуҳли дамларда юртимизга қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган 2013 йил билан сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириш, самимий тилакларимни изҳор этиш мен учун катта шараф, катта бахтдир.

Ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган воқеаларни, амалга оширган ишларимизни баҳолар эканмиз, ўз поёнига етаётган 2012 йилни шукроналик туйғуси билан, мамнуният билан кузатишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бунинг исботини аввалambор Ватанимизнинг олдида турган буюк мақсад ва муддаоларга эришиш, замонавий, эркин ва мустақил давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга ошираётган улкан ишларимизда, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишида, аҳолимизнинг яшаш даражаси ва сифати юксалишида, юртимизнинг қиёфаси тобора чирой очаётганида, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ва ўрни кучайиб бораётганида кўришимиз, англашимиз қийин эмас.

Шу борада бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунё тан олаётган юксак марраларга эришишида, бир сўз билан айтганда, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда аввало шу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлигини, бу ютуқларнинг барчасига халқимизнинг кундалик оғир ва машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила бўлиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни кўз қорачиғидек асраб яшаётганимиз мустаҳкам замин бўлаётганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Мамлакатимизнинг тараққиёт суръатларини, ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгариш ва янгиланишларнинг миқёси ва кўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун биринчи навбатда қуйидаги рақам ва кўрсаткичларга эътибор беришимизни ўринли, деб биламан.

2012 йилда жаҳон миқёсида молиявий ва иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, кўпчилик мамлакатларда ўсиш ўрнига пасайиш ҳолатлари юз бераётганига, жиддий ижтимоий муаммолар ва ён-атрофимизда кескинлик, турли қарама-қаршилик кучайиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизда иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб, бу борадаги кўрсаткич 8,2 фоизни, охирги уч йил якуни билан 27,7 фоизни ташкил этганининг ўзи ортиқча таърифлашга ва изоҳлашга ўрин қолдирмайди.

Ўтаётган йилда давлат бюджети умумий харажатларининг 59 фоизи айнан социал соҳаларга, яъни аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида аҳолимизнинг реал, яъни амалдаги даромадларининг ўртача 17,5 фоизга ошгани, давлат бюджетидан ойлик оладиган ходимларнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдори ўртача 26,5 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Даромадлар ошиши билан аҳолимизнинг банкларда сақланаётган омонатлари ҳажми ўтаётган йилда 34,6 фоизга, охирги уч йилда эса 2,4 каррага кўпайгани ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганининг яққол кўрсаткичи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўз якунига етаётган йилда мамлакатимиз миқёсида 9,3 миллион квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 7,2 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилганининг ўзи ҳам шундай хулоса чиқаришга асос бўлиши муқаррар.

Ҳаётимизни тубдан ўзгартираётган бундай мисолларни мамлакатимизнинг турли соҳа ва жабҳаларидан яна кўплаб олиб келиш мумкин.

Ўзбекистон қўлга киритаётган бундай марраларнинг мустаҳкам замини одамларимизнинг, аввало ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, гражданлик позицияси тобора кучайиб бораётганида, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Буларнинг барчаси шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзининг, оиласининг тақдирини биз учун ягона Ватан бўлмиш Ўзбекистон тақдири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраётганидан далолат беради. Ва ҳаётга бундай ёндашиш эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бормоқда.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимизда юз бераётган ана шундай ўзгариш ва янгиланишларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш сиз, азиз юртдошларимга мамлакатимизнинг тараққиёти, уни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек эзгу мақсадларимизни амалга ошириш йўлидаги муносиб хизматларингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун, мана шу мунаввар дақиқаларда янги йилга пок ва қутлуғ ниятлар билан қадам қўяр эканмиз, Оллоҳдан аввало ўз марҳамати ва назарини аямасдан, бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, аҳиллик ва бағрикенгликни, қут-баракани янада зиёда қилишини, бундан буён ҳам доимо йўлимизни очиб беришини сўраймиз.

Биз кириб келаётган янги — 2013 йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном бердик. Бунинг замирида халқимиз, Ватанимиз истиқболини, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон этишга қаратилган амалий интилишларимиз мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши аён.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини 8,0 фоиздан кам бўлмаган даражага кўтариш, унинг рақобатдошлигини кучайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш, мулкдорлар кафолатини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг виждони бўлмиш маҳалла ваколатларини янада кенгайтириш бўйича бошлаган ишларимизни, ҳеч шубҳасиз, изчил давом эттирамиз.

Шу борада аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, жумладан, иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23 фоиздан кўпроқ оширилиши кўзда тутилмоқда.

Янги йилга мўлжалланган бундай дастур ва режаларимизнинг барчаси 2013 йилнинг ўтиб бораётган эски йилдан асло кам бўлмаслигига, ҳаётимизнинг ҳар томонлама файзли ва баракали, сермазмун бўлишига хизмат қилади, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2013 йил билан яна бир бор табриклайман.

Мана шу гўзал айёмда қалбим тўрида бўлган энг эзгу, энг олижаноб тилакларимни сиз азизларимга изҳор этмоқчиман:

Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва омад олиб келсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганимиз эл-юртимизни ўз паноҳида сақласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ШОДИЁНАЛАРИ

"Президент арчаси" тантаналарини болалар орзиқиб кутади. Уларга бир олам қувонч, арча атрофидаги қизиқарли томошалар, турли совғалару унутилмас таассуротларни ҳадя этувчи бу тадбир давомида қишнинг аёзли ҳароратига ажиб бир илиқлик инади.

Ушбу хайрли анъанага кўра, 29 декабрь куни "Туркистон" саройида "Президент арчаси" тантаналари бошланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари таклиф этилди.

2 ▸▸

Сарҳисоб

ОБОД ЮРТНИНГ МУНАВВАР ТОНГИДА

Бағрида эканимизда меҳридан қаддимиз тик, олислашганда ҳар сонияда соғинадиган азиз юртимиз узра янги — 2013 йилнинг илк тонги ўзининг нурли кокилларини ёяётган шу онларда юрак ширин орзу-хаёллар оғушида янги йил севинчларидан ҳаприқади. Шунингдек, кечагина кузатиб қўйган 2012 йил хотиротлари бирма-бир ёдга тушаверади...

"Мустаҳкам оила йили" сифатида тарих зарварақларига муҳрланган 2012 йил жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш, жисмонан соғлом, маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар, бир сўз билан айтганда, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор, деган инсонпарвар тамойил йил давомида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида устувор ўрин тутгани билан ўта қадрли бўлди. 2012 йилнинг айнан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилингани юртимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият ҳисобланишининг, оилани мамлакат тараққиётининг таянчи ва суянчи, деб қабул қилинганининг исботидир. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятида ана шундай тушунчалар ўз аксини топди. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш жараёнида оммавий ахборот воситалари ҳам фаол иштирок этганини мамнуният билан қайд этмоқ лозим.

Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган дақиқалардан бошланган саъй-ҳаракатлар кун сайин кенг қамров касб этди. Ҳар бир газета, журнал, телерадио дастурларида "Мустаҳкам оила йили" рукнлари ташкил этилиб, уларда мамлакатимизда оилалар равнақи йўлида амалга оширилаётган ишлар ўз аксини топди. Айниқса, телевидение ва радиоэшиттиришларда йил мобайнида бериб борилган ижтимоий роликлар эътиборга моликдир. Шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган бахтли оилалар, уларнинг ибратли ишлари, мустаҳкам оила ғоясининг моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири ҳақидаги материаллар ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдириш мумкин.

Шунингдек, «Соғлом она — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш борасида олиб борилган хайрли ишлар ҳам оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлди. Бу борадаги ибратли ишлар 2013 йилда ҳам изчил давом этиши шубҳасиз.

4 ▸▸

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ШОДИЁНАЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Навқирон авлодга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатиш, уларни ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу жараёнда имконияти чекланган, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, қизиқиши ва интилиши бўйича касб-ҳунар эгаллаши учун шарт-шароит яратиш, жамиятга интеграциялашувига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Меҳрибонлик, Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва фаолиятини такомиллаштириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

«Ўзбекистонда инклюзив таълим» лойиҳаси доирасида жисмоний имконияти чекланган болалар узлуксиз таълимга янада кенгроқ жалб этилмоқда. Анъанага кўра, 2012 йилда ҳам барча биринчи синф ўқувчиларига дарсликлар, ўқув анжомларидан иборат Президент совғалари топширилди. Мактабларда таълим олаётган алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандлари иссиқ кийимлар билан таъминланди.

Бу йил мамлакатимизда йигирманчи марта ташкил этилаётган "Президент арчаси" тантаналари янада кўтаринки ва байрамона, завқли руҳда ўтмоқда. Тадбир доирасида Меҳрибонлик, Гўдаклар, Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар, ихтисослашган тарбия муассасаларининг ўғил-қизлари, маҳаллалардаги боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига совғалар топширилмоқда. "Sen Yolg"iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар шифохоналари, ихтисослашган таълим масканларида кўплаб байрам тадбирлари ўтказилмоқда.

...«Туркистон» саройи фойесига ўрнатилган арча атрофида Қорбобо, Қорқиз, эртак қаҳрамонлари иштирокида байрам тадбирлари кичкинтойларга завқ-шавқ улашмоқда. Болалар Янги йил байрамига аталган шеърларини айтиб, қўшиқлар куйлайди. Тиллақош таққан қизчалар «қор парчалари» бўлиб рақсга тушади. Байрамга эстрада ижрочилари, таниқли санъаткорлар, ижодий гуруҳлар, цирк усталари ижросидаги рангбаранг мусиқий дастурлар янада кўтаринкилик, жўшқинлик бахш этмоқда.

— Янги йил шодиёналарига бағишлаб ўртоқларим билан бирга расмлар чиздик, шеър айтиб Қорбободан совға олдик, — дейди Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 11 ёшли Убайдулла Ҳасанов. — Биз, болалар учун шундай қувноқ байрамни ташкил этганлари учун Президентимиздан миннатдормиз.

Жўшқин мусиқий дастурга Янги йил учун махсус саҳналаштирилган "Нурли сайёра" спектакли уланиб кетди. «Томоша» болалар театр-студияси ижрочилари иштирокида тайёрланган байрам совғаси кичкинтойлар эътиборига ҳавола этилди.

Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда бўлиб ўтмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишлар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда йигирма йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Президент арчаси» байрами тантаналари ҳам барча ўғил-қизларнинг доимо меҳр ва ғамхўрлик оғушида камол топаётганидан ёрқин далолатдир.

Бу йил ҳам Янги йил байрами муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг шаҳар ва туманларида «Президент арчаси» байрами тантаналари кўтаринки руҳда ўтказилди. Мазкур тадбирларга жойлардаги Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Байрам тадбирларида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, улар келажаги юртимиз келажагига бевосита дахлдор масала сифатида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги алоҳида эътироф этилди. Болажонларга Президентимизнинг байрам совғалари топширилди.

Вилоятлардаги мусиқали драма ва кўғирчоқ театрлари, академик ҳамда халқ бадиий жамоаларининг байрам томошалари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари ва болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари тантаналарга янада файз, кўтаринки руҳ бағишлади. Улкан арча атрофида турли эртак қаҳрамонлари билан биргаликдаги қувноқ қўшиқлар, шодон рақслар болажонларга бир олам завқ, байрамона кайфият бахш этди.

— «Президент арчаси» байрами бизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Комила Жабборова. — Ранг-баранг ўйинчоқлар билан ясатилган улкан арча атрофида қўшиқ айтдик, рақсга тушдик. Айниқса, Президентимизнинг совғаларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Бизга кўрсатилаётган беқиёс эътибор ва ғамхўрлик учун чексиз миннатдормиз.

— Янги йил байрами биз болалар учун энг севимли байрамдир, — дейди Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Моҳинур Абдуҳалимова. — Юртбошимизнинг "Менинг фарзандларим" дея биз ёшларга кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигига жавобан эл-юртимизга муносиб фарзанд бўлишга интиламиз.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги таълим ва соғлиқни сақлаш, болалар муассасаларида юксак савияда ташкил этилган Янги йил шодиёналарида ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиши ва келажакда жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрлик яна бир бор ўзининг амалий ифодасини топди. Мазкур тантаналарда мамлакатимизда ҳар бир фарзандниг давлат ва жамият эътиборидан четда эмаслиги, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик фазилатлари яна бир бор ёрқин намоён бўлди.

ЎзА

Фахр

Мустақиллик — ота-боболаримизнинг асрий орзуси ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Бағрида не-не буюк алломаларни, олиму фузалоларни, даҳоларни камол топтирган шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланиш туйғусини уйғотди. Мозийга назар ташласак, буюк аждодларимиз яратувчанлик, бунёдкорлик ишларига, юрт ободонлигига алоҳида эътибор қаратганлигига гувоҳ бўламиз. Бу ибратли анъана бугун янада кенг кўламда изчил давом этаяпти. Натижаки, юртимиз шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси кун сайин чирой очмоқда.

Оппоқ бинолари ярашган юртим

Муаззам пойтахтимиз таърифига тўхталмоқчи бўлганимизда тил ҳам, қалам ҳам ожиз. Биргина мисол: бир-икки йилдан бери пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчаси бўйлаб юрмаган одам унинг бугунги қиёфасини кўриб, манзилимдан адашдим чоғи, деб ўйлаши тайин. Тошкентимизнинг меъморий қиёфасини янгилаш ва ободонлаштириш мақсадида улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Кўримсиз дўконлар, пастқам кўчалар ўрнида ниҳоятда кўркам, замонавий турар жой ва савдо дўконлари мажмуи қад ростлади.

Мўъжиза кўз ўнгимизда содир бўлди!

Осмонўпар, муҳташам биноларни кўриш бошқа-ю, бинонинг пойдеворидан тортиб охирги пардозлаш ишларининг кўз ўнгингизда бажарилишини, турли миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек меҳнат қилишини кузатишнинг гашти бўлакча экан. Шунда қад ростлаган замонавий бинолар инсон учун янада қадрлироқ бўларкан.

Янги йил байрами арафасида ана шу кўп қаватли замонавий уйлар ва турли савдо дўконлари ҳамда маданий-маърифий масканларнинг фойдаланишга топшириш маросими чин маънода байрамга айланиб кетди.

Эътибор бераяпсизми, азиз юртдошим, кейинги йилларда юртимизда софлик, поклик рамзи бўлмиш оқ рангдаги муҳташам бинолар кўпайиб бормоқда. Бу меҳнаткаш халқимизнинг пок қалби-ю нурли иқболига бир ишора, назаримда.

Илоё, Обод турмуш йилида бу сингари оппоқ бинолар юртимизнинг ҳар бир шаҳару қишлоқларида қад ростлайверсин.

Феруза ЖАЛИЛОВА



ОАТ
«Микрокредитбанк»
Хоразм вилояти
филиали

MIKROKREDITBANK

барча юртдошларимизни
янги — 2013 йил билан
муборакбод этади.



2013

«БУХОРОТУМАНГАЗ»
ФИЛИАЛИ

ОНА ЗАМИНИМИЗДА
ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН
ЗАМОНДОШЛАРИМИЗНИ ЯНГИ ЙИЛ
БАЙРАМИ БИЛАН ҚИЗҒИН
ТАБРИКЛАБ, БАРЧА-БАРЧАСИГА
ТАНИ СОҒЛИҚ ТИЛАЙДИ.



Касб эгаларига эътибор

Соҳага бир назар

Мамлакатимизда оилага алоҳида эътибор қаратиш ва оила институтини ривожлантириш масаласи ҳамиша давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган десак, асло муболаға қилмаймиз. Бинобарин, Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида жамиятни соғломлаштириш, унинг пойдеври саналмиш оиладаги маънавий муҳитни яхшилаш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар халқимизнинг оилапарварлик ва инсонпарварлик фазилатлари билан уйғунлашиб, турмушимизга ўзгача файзу барака ато этмоқда.

Бунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти негизини ташкил этган беш асосий тамойилнинг бири кучли ижтимоий ҳимояга қаратилгани, айниқса, ана шу мақсадларга йўналтирилган Давлат дастурлари орқали оилалар ҳимоясининг доимий равишда давлат ва нодавлат ташкилотлари диққат марказида бўлишига эришилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Энг йирик ва оммавий жамоат ташкилотларидан бири бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам бу йил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида катта аҳамият касб этган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий, маънавий-маърифий, тарғибот ишларини дастуриламал билиб фаолият кўрсатдилар, — деди янги йил арафасида Республика Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ҳамда унга мувофиқ ишлаб чиқилган кенгаш тадбирлари дастури доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан амалга оширган ишлар" мавзуидаги матбуот конференциясида сўзга чиққан Кенгаш раиси Танзила Норбоева. — Хусусан, Дастурга кўра, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, уларга янги иш ўринлари яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида юртимизда кенг кўламли вазифалар рўёбга чиқарилди. Бевосита Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган мазкур саъй-ҳаракатлар боис, Ўзбекистон жорий йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ёш авлод саломатлигига энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. Албатта, бундай эътироф мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, инсон омилига юксак эътиборнинг самарасидир.

Сир эмаски, касаба уюшмаси барча ташкилот, идора ва корхоналар фаолиятида муҳим бўғин ҳисобланади. Бинобарин, у жамоадаги соғлом муҳит,ишчанлик руҳини таъминлаш ва ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Давр тақозосига кўра, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳам турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган жамоалар ўртасидаги шартномаларни аввалги пайтлардагидек бир ёки икки-уч йилда бир марта эмас, балки ҳар олти ойда бир кўриб чиқишни йўлга қўйди. Бу ўз навбатида раҳбар ва ходимлар муносабатларини янада мустаҳкамлаб, жамоада меҳнат қилувчилар ўртасида ўзаро ишончнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

— 2013 йилда асосий эътиборни бошланғич ташкилотларга қаратмоқчимиз, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбеков биз билан бўлган суҳбатда. — Бундай иш тутишимизнинг сабаби шуки, кейинги йилларда юртимизда хусусий секторга эътибор ортиб бормоқда. Шу боис, тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Демакки, аҳолининг катта қисми мазкур тармоқда иш билан таъминланмоқда. Шу билан бирга тизимда бошланғич касаба ташкилотларининг сони ҳам ортмоқда. Бу эса ўз-ўзидан мазкур корхоналарда касаба уюшмалари ташкил этиш эҳтиёжини туғдирмоқда. Яшириб нима қилдик, айрим хусусий фирмаларда иш берувчи билан ходим ўзаро келишган ҳолда фаолият юрита бошлагач, баъзан ходимнинг меъёрдан ортиқ ишлаши талаб қилинади. Албатта, бундай ҳолларнинг олдини олиш, ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш учун бу ерда касаба уюшмалари шаклланган бўлиши шарт. Жорий йилдаги режамизга кўра, бошланғич касаба уюшмалари фонд маблағларининг 53 фоизини эмас, балки 60-70 фоизини ўз ихтиёрларида қолдиришга қарор қилдик. Албатта, шу йўл билан уларни янада кўпроқ қўллаб-қуватлашга эришамиз.

Қувонч билан таъкидлаш кераккки, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг бевосита саъй-ҳаракати туфайли ўтган йилда жамоа шартномалари ва келишувларга кўра, 14715 нафар юртдошимизга ҳамда 109 минг 164 оилага 31 миллиард 107 миллион сўмдан зиёд ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, кам таъминланган 51,5 минг фуқарога моддий ёрдам, 2248 та ёш оилага уй-жой қуришлари учун фоизсиз кредитлар, 2233 нафар талабага эса тўлов-контракт пулларининг тўланишида молиявий ёрдам кўрсатилди. Хусусий мулкчиликка асосланган 1822 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 5610 нафар болали аёлнинг ойлиқ маоши тўла сақланган ҳолда иш меъёри ҳафтанинг ҳар кунига бир соатдан қисқартирилгани улар учун ажойиб бир қулайлик бўлди. Буларнинг барчаси давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ўрнатилган ижтимоий шерикчиликнинг амалий натижаси, десак, хато бўлмайди.

Меҳнаткашларнинг мазмунли маданий дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришлари Касаба уюшмалари федерациясининг доимий диққат марказида. Шу мақсадда тизимда оилавий сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Кўплаб элдошларимиз йил давомида юртимизнинг тарихий шаҳарлари, диққатга сазовор қадамжоларига ташриф буюришди. Маҳаллий сайёҳларнинг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида Самарқанд шаҳрида замонавий меҳмонхона бунёд этилди. Айни пайтда Хива шаҳрида ҳам худди шундай меҳмонхона қуриш ишлари лойиҳалаштирилмоқда.

— Барча юртдошларимиз ҳам меҳнат таътили пайтида кўнгилли ҳордиқ чиқаришни, замонавий соғломлаштириш масканларига бориб дам олишни истайди, — деди анжуманда сўзга чиққан Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедов. — Ана шуларни инобатга олган ҳолда тизимда меҳнаткашларнинг санаторийларда дам олишлари ва соғликларини тиклашлари борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келаётир. Жумладан, федерация тизимидаги санаторийларда минглаб юртдошларимиз имтиёзли даволанишдан ташқари, "Аёллар кенгаши" ва "Ҳаёт учун" жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўкрак бези саратонининг олдини олиш ва бу хасталикка чалинган аёлларни реабилитация қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Репродуктив саломатлик маркази ҳамкорлигида "Умид гулшани" оанаторийсида хотин-қизларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган тренинглар ташкил этилди. Шунингдек, сиҳатгоҳларда тиббий сайёҳликни янада такомиллаштириш мақсадида "Зомин" санаторийсида Вазирлар Маҳкамасининг "Зомин туристик-рекрацион минтақасини ташкил этиш" тўғрисидаги дастурига кўра, Ташқи ишлар вазирлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури, 20 та туристик агентлик ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда инфотур ўтказилиши юртимизда тиббий сайёҳликнинг янада ривожланишига кучли туртки бўлди.

Тизимга қарашли санаторийларнинг босқичма-босқич реконструкция қилинаётгани даволанувчи ва дам олувчиларга янада қулайлик туғдирмоқда. Санаторийларда олиб борилаётган кенг кўламдаги қурилиш, капитал таъмирлаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари хизмат сифатини янада юксалтирмоқда. Бундан кўзланган мақсад, дам олиш масканларимизни жаҳон андозалари даражасига чиқариб, келгусида уларга хорижликларни ҳам жалб қилишдир.

Тизимда рўй берган янгиликлардан яна бири шуки, жорий йилда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар муассислигида барча вилоятларда жамоатчилик кенгашлари ҳамда ахборот марказларига эга "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми" фаолияти йўлга қўйилди.

Йил мобайнида мазкур форумнинг ахборот марказларига келган ижтимоий лойиҳаларга оид 3456 та мурожаатга малакали мутахассислар томонидан керакли маслаҳатлар берилди. Ушбу ахборот марказларига бизнесни ривожлантириш эвазига қўшимча янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш мақсадида мурожаат қилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ижтимоий ҳамкорлик асосида 3 миллиард 332 миллион сўмликдан зиёд имтиёзли кредитлар олишда ёрдам кўрсатилди. Қувонарлиси, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар самараси туфайли 619 та янги иш ўринлари яратилди.

Мухтасар айтганда, мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишлар "Мустаҳкам оила йили"нинг мантиқий давоми бўлган "Обод турмуш йили"да ҳам изчил давом эттирилади. Зотан, ушбу саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад битта — у ҳам бўлса, Ватан тараққиёти ва эл-юрт манфаатига хизмат қилишдан иборат.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Молия муассасаларида

Реклама

Қурилиш индустрияси ривожи йўлида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари қишлоқ жойларида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг кўламли дастур амалга ошрила бошланганидан буён 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлгани, фақат 2011 йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг 7 минг 400 та замонавий уй-жой қуриб битказилгани, бу мақсад учун 576 миллиард сўмдан ортиқ инвестициялар йўналтирилгани, уларнинг 63 фоиздан зиёдроғини марказлаштирилган манбалар ва "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ маблағлари ташкил этганини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Ўз навбатида, Президентимизнинг 2012 йил 14 январдаги "2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида"ги қарорида 2012 йилда 276 та массивда намунавий лойиҳалар асосида 8510 та замонавий уй-жойлар барпо этиш ҳамда ижтимоий ва коммунал хўжалик объектларини қуриш белгилаб берилганди.



Мазкур ҳужжат асосида 2010 йил 12 мартда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ "Қишлоқ қурилиш банк" зиммасига замонавий ускуналар билан жиҳозланган, тежамкорлик асосида иш юритадиган ғишт, эшик-ром, том ёпиш материаллари (металл черепицалар) ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш вазифаси юклатилган эди. Ушбу қарор ижроси юзасидан банк "Қишлоқ қурилиш инвест" шўъба инжиниринг компанияси билан биргаликда қурилаётган уй-жойлар нархини арзонлаштириш, қурилишда ишлатиладиган асосий материаллар, хусусан, пишган ғишт, эшик-ром ва том ёпиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ мазкур қарорлар ижросини таъминлаш учун 2010 йилда салкам 20 миллиард сўмлик ўз маблағларини йўналтирди. Шундан 3,5 миллиард сўми пишган ғишт, эшик-ром ва том ёпиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этиладиган корхоналарнинг устав капиталига тўғридан-тўғри киритилди. Қолган қисми эса инвестиция кредитлари сифатида берилди.

Ғишт заводларини пишган ғиштга яроқли тупроғи мавжуд бўлган ҳудудларда бунёд этиш учун туманлар ҳокимликлар томонидан ҳар бир корхонага 10 гектардан ер участкалари ажратилди. Ишга тушган ғишт заводларининг умумий қиймати 1,4 миллиард сўмни ташкил этади. Уларнинг устав капитали ҳисобидан 200 миллион сўмлик янги ғишт ишлаб чиқарувчи замонавий ускуналар ўрнатилди. Қолган 1,2 миллиард сўмлик кредит маблағларига энергияни тежайдиган, ҳам табиий газ, ҳам кўмир ёрдамида ишлайдиган 24 камерали хумдонлар қурилди, электр, газ, сув тармоқлари ўтказилди. Шунингдек, заводлар тупроқни тайёрлаб олиш учун биттадан фронтал кўтаргич ва иккитадан 25 тонналик автосамосваллар билан таъминланди. Хом ғишт ва кўмирни қишда ёғин-сочиндан асраш ва хумдонларни йил давомида ишлатиш учун 1200 квадрат метрли усти ёпиқ омборлар қуриб битказилди. Темир конструкциялар асосида махсус бостирмалар қурилди, маъмурий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Ғишт заводларидаги барча қурилиш-монтаж ишлари асосан банкнинг имтиёзли инвестиция кредитлари ҳисобига барпо этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Натижада республикамизда йилига ҳар бири 15-20 миллион дона пишган ғишт ишлаб чиқарувчи 12 та заводга асос солинди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ташкил этилган янги корхоналар "Қишлоқ қурилиш сервис" МЧЖ шаклида барпо этилиб, уларнинг ҳар бирида 48 тадан янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, бу корхоналарга касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларнинг ишга жалб этилаётгани эътиборга молик. Ҳозирда ҳар бир ғишт заводи кунига 50-60 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқармоқда. Уларнинг иш суръатини 1,5 бараварга ошириш мақсадида олинган соф фойдаси ҳисобидан 18 камерали қўшимча хумдонлар қуриш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 декабрдаги "Қишлоқ қурилиш инвест инжиниринг компаниясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" ДАЖга қарашли ёғочни қайта ишлаш фабрикаси бино ва иншоотлари билан "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБнинг "Қишлоқ қурилиш инвест" шўъба инжиниринг компанияси томонидан 1 миллиард 48 миллион 300 минг сўмга сотиб олинди ва унинг базасида "Тошкент қишлоқ қурилиш сервис" МЧЖ ташкил этилди. Сўнгги 2 йил давомида мазкур корхонага банк 4,2 миллиард сўм миқдорида қўшимча инвестиция маблағларини йўналтирди. Бу маблағлар эвазига корхонанинг ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший бинолари, муҳандислик иншоотлари ҳамда фойдаланишга яроқли мавжуд ускуналари тўлиқ таъмирланиб, металл черепица ишлаб чиқариш цехи учун 900 квадрат метр майдонни эгаллаган янги бино қурилди. Бугунги кунда мазкур корхонага Хитой Халқ Республикасидан тўғридан-тўғри импорт шартномаси асосида 1 миллиард сўмлик тежамкор ва ихчам ускуналар сотиб олинди. Ушбу ишлаб чиқариш қувватларининг тўла ишга тушиши натижасида йилига 300 миллион дона пишган ғишт, 30 минг дона эшик-ром ва 1,7 миллион квадрат метр том ёпиш материаллари (металл черепицалар) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоятларда банк томонидан ташкил этилган 12 та ғишт заводлари, ёғочни қайта ишловчи ва том ёпиш материаллари ишлаб чиқарувчи цехларда қарийб 700 нафар юртдошимиз муқим иш жойига эга бўлгани қувонарлидир. Бундан ташқари, мазкур корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида давлат дастурлари асосида қурилаётган намунавий уй-жойлар учун нафақат арзон материаллар етказиб берилмоқда, балки улар ҳисобидан давлат бюджетига тушадиган солиқлар миқдори жорий йилдан бошлаб қарийб 5,5 миллиард сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Банк ахборот хизмати

ОБОД ЮРТНИНГ МУНАВВАР ТОНГИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Зеро, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги глобаллашув шароитида ҳаётнинг ўзи матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига эл-юртимиз тинчлиги, хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи, фарзандларимиз камоли каби мавзуларга эътибор қаратишдек улкан вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги кунда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан, миллий мафкурамизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, маънавий ҳаётимиз ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоячисига айланиши лозим. Шу ўринда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги бу муҳим ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларни қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратиб келинаётганини ҳам эътироф этиш лозим. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2011 йилнинг сўнгги кунларида қабул қилган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарор миллий журналистикани замон талаблари даражасида ривожлантириш, матбуотимиз ривожига бўлган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси бўлиб, соҳа ходимлари учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан келадиган фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга тўланадиган солиқни тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

Таҳририятлар, нашриётлар, босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари ҳамда китоб сотишдан, уларнинг хизматларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги республика Йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш жамғармасига тўланадиган мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилингани уларнинг ихтиёрида қўшимча маблағларнинг қолишига олиб келди. ОАВ ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун келтириладиган қоғоз, полиграфия материаллари, шунингдек, ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар учун божхонага ажратиладиган тўловларидан беш йил муддатга озод этилгани, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматларининг қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги ҳам таҳририятларга катта молиявий ёрдам бўлди.



Бугун улар жаҳон ахборот майдонида халқимизнинг яратувчанлик меҳнати, юртимизда кечаётган ўзгаришларнинг холис ифодачиси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларига одамлар катта умид ва ишонч билан қарашлари, журналистлардан жамиятдаги ютуқлар, камчилик ва муаммолар, уларнинг ечимлари ҳақида холис, тезкор, юксак профессионал-таҳлилий материаллар кутишлари сир эмас. Журналист нигоҳи жамиятнинг ютуқ ҳамда муаммоларини бошқалардан аввал илғай олиб, уларга жамоатчиликнинг диққатини тортади. Таъкидлаш керак, матбуотимиз саҳифаларида, радио-телевидение дастурларида халқимиз эътирофига сазовор бўлаётган материаллар оз эмас. Янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кенгайтиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишда ўзининг ўткир қалами, беназир иқтидори билан фидойилик кўрсатаётган кўплаб ижодкорлар ҳақида илиқ сўзлар айтиш мумкин. Бироқ тез ўзгараётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига долзарб талабларни қўймоқда. Шу нуқтаи назардан журналистлар олдида турган муҳим вазифалар ҳам оз эмас. Улар журналистдан ғоявий ҳушёрликни, бошқалардан бир-икки қадам олдинроқда бўлишни талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш лозимлиги таъкидланган эди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб мақолалар, таҳлилий ва танқидий чиқишларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб боришнинг таклиф этилгани эса соҳани ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлашнинг ёрқин намойиши бўлди. Муҳтарам Юртбошимизнинг бу таклифи ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналистларнинг ижтимоий ҳаётимизда ҳурмат-эътибори, қолаверса, масъулияти ортишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасида зудлик билан бу ишга тааллуқли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, уюшма қошида тажрибали журналист ва экспертлардан иборат мониторинг гуруҳи шакллантирилди. Улар мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган долзарб мавзулардаги материалларни, таҳлилий ва танқидий чиқишларни тизимли равишда ўрганиб, таҳлил этиб боришмоқда. Натижалар эса уюшмамиз муассислигидаги "Ҳуррият" мустақил газетасида чоп этиляпти.

Маълумки, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да демократик ислоҳотларни янада ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Уюшмамиз Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, улар мазмун-моҳиятининг ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказди. "Ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш медиа тузилмалар фаолияти самарадорлигини кучайтиришнинг муҳим омили" мавзуидаги минтақавий конференция, "Аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллигида матбуотнинг роли ва аҳамияти", "Парламент ва жамоат назоратини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзуидаги семинарлар ҳамда давра суҳбатларида Концепцияда таклиф этилган соҳага оид қонун ҳужжатларини янада мустаҳкамлаш юзасидан турли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Миллий медиамуҳитнинг ривожи, ютуқ ва муваффақиятлари соҳа ходимларининг замонавий билимларини мустаҳкамлаш, малакасини ошириш, уларнинг муайян соҳага ихтисослашиши каби омиллар билан бевосита боғлиқдир. Шу мақсадда ўтган йил давомида Журналистлар ижодий уюшмаси ва бошқа ҳамкор тузилмалар томонидан қатор конференциялар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этилди. "Ахборот соҳасида ислоҳотлар амалга оширилиши доирасида миллий босма ОАВ ривожланиши тенденциялари", "Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни: ютуқ ва муаммолар" мавзуидаги давра суҳбатлари, "Ахборот соҳасида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашнинг долзарб вазифалари", "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзуидаги ўқув семинарлари, "Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари" мавзуидаги илмий-амалий семинар ҳам шулар жумласидандир.

Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари жаҳон ахборот майдонида ўз ўрни ва нуфузига эга. Миллий журналистикада амалга оширилаётган янгиланишлар, эришилаётган ютуқлар замирида эса соҳа ходимлари, журналист кадрларнинг иқтидори, ўткир қалами, фидойи меҳнати мужассамдир. Зеро,журналист — жамиятнинг фаол аъзоси. Айниқса, жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган ҳозирги кунда ҳар бир ижодкор дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнини холисона ва танқидий баҳолаши, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериши, давр билан ҳамқадам бўлиши шарт. Бу эса ҳар биримиздан ўз касбимизга садоқат ва масъулиятни ошириш, виждон амри билан яшашни тақозо этади. Яъни, шу юрт барчамизники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам барчамизники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга биринчи навбатда, мен дахлдор ва масъулман, деган эзгу интилиш ҳар бир ижодкор фаолияти мезони бўлиши лозим. Шу ўринда журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, уларнинг маҳоратларини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини ҳам таъкидлаш ўринли. Бу ҳаракатлар журналистикамиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант-лойиҳалар ҳамда ижтимоий дастурларда ўз ифодасини топмоқда.

Бу ҳақда сўз бораркан, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қатор ташкилотлар билан биргаликда ўтказиб келаётган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов, "Йилнинг энг фаол журналисти", «Энг улуғ, энг азиз...» сингари қатор ижодий танловларни алоҳида тилга олиш жоиз. Бу танловларнинг нуфузи йил сайин ортиб, журналистлар учун маҳорат мактаби, ижодий фаолиятининг, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос мезонига айланиб бормоқда. Хусусан, биз хайрлашган йилда еттинчи бор ўтказилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танловга тақдим этилган материаллар соҳа ходимлари фаолиятида сезиларли ўсиш юз берганини кўрсатди. Шу боис, ҳайъат аъзоларига ғолиб ва совриндорларни аниқлаш осон кечмади. Ғолиблик шохсупасига эса "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси Саида Давлетова, НТТ "Дийдор ширин" кўрсатуви муаллифи ва бошловчилари Насиба Мақсудова ва Муслим Йўлдошев, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги бош муҳаррири Анна Иванова, "Маърифат" газетаси бўлим муҳаррири Хулкар Туйманова каби таниқли ижодкорлар ҳақли равишда кўтарилдилар. Танловнинг бош мукофотига "Фарғона ҳақиқати"ва "Ферганская правда" газеталари жамоаси лойиқ кўрилгани мамлакатимиз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги фаоллигига, уларда фаолият олиб бораётган ҳамкасбларимизнинг ижодий салоҳиятига берилган муносиб баҳодир.

Ижодий уюшма томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Энг улуғ, энг азиз", "Йилнинг энг фаол журналисти" республика танловлари, шунингдек, Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Ватан азиз, жасорат мангу", "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида ўтказилган "Мустаҳкам оила — жамият таянчи", "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" каби танловлар ҳам кутилган натижани берди ва соҳанинг энг фаол, фидойи ходимларини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имкониятини яратди. Хуллас, 2012 йилда ОАВ ўз вазифалари — юртдошларимизни холис ахборот билан таъминлаш, мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, зафарли одимларни халқимизга, қолаверса, жаҳон афкор оммасига холисона етказишда ўзига хос кўзгу бўлди, десам муболағага йўйманг, азиз газетхон!

Борлиқ узра оппоқ тонг отди. Янги, 2013 йилнинг илк тонги. Кўз ўнгимда, мамлакатимиз раҳбари пойтахтимиздаги муҳташам "Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройи"да Асосий Қонунимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда, анъанага кўра, янги йилга ном бериш ҳақида тўхталаркан, уни "Обод турмуш йили" деб аташни таклиф этганда зал гулдурос олқишлардан ларзага келди.

Ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юрти ва ҳаётини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб яшашидир.

Обод деган сўзнинг маъноси жуда кенг. Ободлик нафақат кўркам ва фаровон ҳаёт, балки, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака, покният ва соғлом интилиш билан яшашда ҳам намоёндир. Шундай экан, ободлик кўнгилдан, жондан азиз оиламиздан, биз меҳр қўйган масканлардан бошланади.

Янги йил, янги режалар, янги орзу-умидлар демакдир. Шу кунларда Журналистлар ижодий уюшмаси янги йилдаги фаолиятининг режа ва йўналишлари устида иш олиб бормоқда. Зеро, журналистнинг ҳар бир сўзи одамларга, жамоатчиликка таъсири кучли, халқ орасида қудратли акс-садо бериши, буюк бунёдкорлик ишларига сафарбар этиши мумкин. Бу, аввало, унинг маҳоратига, фуқаролик позициясига, инсоний фазилатлари, ижодий салоҳияти, масъулиятига боғлиқдир. Шу маънода Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, халқ соғлигини асраш каби масъулиятли жараёнда журналистларнинг фаоллигини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш уюшма фаолиятининг устувор мақсади бўлиб қолади.

Обод юртнинг мунаввар тонгида барча эзгу ниятларимиз ижобат бўлсин.

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси



Дараклар

ҚАРИЯЛАРГА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛАДИГАН БЎЛДИ

“Синьхуа” ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, Хитой ҳукумати ёш оилаларни қартайиб қолган қариндош-уруғлари ҳолидан хабар олишга мажбур этувчи қонунни қабул қилган. 2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб, идора раҳбарлари ҳам оилалардаги бундай учрашувлар учун имкон даражасида ўз ходимларига шароит яратишга мажбурдирлар.

Аммо қонунга амал қилмаганларни қандай жазо кутаётгани ҳозирча номаълум. Бундан ташқари, улар нафақадаги қондошлари ҳолидан қачон, қандай вақт оралиғида хабар олишлари лозимлигига аниқлик киритилмаган. Шу нарса аниқки, энди қариялар эътиборсиз қолишса, тегишли идора органларига мурожаат этишлари ёки судга даъво қилишлари мумкин бўлади. Ҳукумат раҳбарлари қарияларга бепул тиббий хизмат ҳамда дурустгина нафақа тайинлашга ваъда қилмоқда. Шу вақтгача аҳолининг фақат алоҳида тоифасига кирувчи нафақахўрларгагина ҳукумат маблағ ажратарди.

Айни дамда мамлакат аҳолисининг 13,7 фоизини ташкил этувчи қарияларнинг аксарияти эътиборга муҳтожлиги сабаб мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Аниқланишича, 2013 йилда ёши 60 дан юқори бўлган аҳоли сони 200 миллионга етади, шундан 33 миллиони ногиронлардир.

ЭНГ МАСЪУЛИЯТСИЗ СОҲА ХОДИМЛАРИ

Жонс Хопкинс институти тиббиёт мактаби олимлари АҚШда соҳа ходимлари томонидан ҳар йили 4 мингга яқин жарроҳлик ишига нисбатан масъулиятсизлик билан ёндашилаётганини аниқлашди. Ўтказилган мазкур тажрибалар натижаси билан “Surgery” журнали саҳифаларида танишиш мумкин.

Тадқиқотчилар бунинг учун тиббиёт соҳасида 1990-2010 йиллар давомида жарроҳларнинг эҳтиётсизлиги туфайли мижозларга тўланган бадал пуллари рўйхатини кўздан кечириб чиқишди. Аниқланишича, америкалик жарроҳлар бир ҳафта давомида мижоз танасида асбоб-ускуналарни эсдан чиқариб қолдириш ҳолатлари 39 марта, беморларнинг операция қилиниши керак бўлган органлари қолиб, бошқасини операция қилиш 20, яна шунча марта соғлом органларни операция қилиш ҳолатлари кузатилган. Соҳа вакиллари йилига 4 мингтагача шу сингари хатоликларга йўл қўйишар экан.

Тадқиқот муаллифларидан бири, тиббиёт фанлари доктори, жарроҳ Марти Макарининг айтишича, сўнгги йилларда тиббий қайдномаларнинг жорий этилиши, операция олдидан, ундан кейин ҳам жарроҳлик асбоб-ускуналарининг ҳисобга олиниши ҳамда бир қатор хавфсизлик чоралари кўрилишига қарамай аксарият тиббиёт муассасаларида бу турдаги хато ва камчиликларга тез-тез йўл қўйилмоқда. Унинг таъкидлашича, аслида аҳвол юқорида келтирилган тадқиқот натижаларидан ҳам аянчлироқ. Кўпинча бундай ҳолатлар ёпиқлигича қолиб кетмоқда.

НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДАГИ ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил нишонланиши арафасида Буюк Британиянинг 340 та ҳудудида сув тошқинлари кузатилиши мумкин. Бунга қирралликнинг аксарият минтақаларида икки ҳафтадан буён давом этаётган кучли ёмғир сабаб бўлмоқда.

Ўтган ҳафтанинг ўзида қиролик ҳудудида 500 дан ортиқ уйни сув босган, ўнлаб кишилар эвакуация қилинган. Жамоат транспортида ҳам узилишлар қайд этилмоқда. Байрам арафасида жамоат транспорти қатновининг издан чиқиши ҳам аксарият британияликларни ноқулай аҳволга солиб қўйди. Айниқса, Англия ва Уэльснинг жануби-ғарбида кузатилаётган сув тошқинлари натижасида йўлларга шикаст етган, дарёлар ўзанидан тошиб чиққан.

Мамлакат метеорология хизмати маълумотларига кўра, якунига етаётган йил мамлакат тарихидаги энг ёмғирли мавсум бўлди. Айни дамда ҳудудда юзага келган 213 та тошқиндан 109 таси ўта хавфли бўлганлиги эълон қилинган.

ҚУШЛАР БАЗМИ

Москва шаҳрининг марказий хиёбонида маҳаллий қушлар учун Янги йил зиёфати ўтказилди. “Янги йил паррандалар базми” номини олган акцияда 20 нафар Қорбобо ва Қорқиз иштирок этди. Янги йил байрами қаҳрамонлари қушлар учун емак солинган уйчалар ясаб, дарахтларга ўрнатишди.

Шаҳар фуқароларига кўтаринки кайфият улашиш мақсадида қуш уяларига ранг-баранг тусдаги тасвирлар туширилди. Қушларни томоша қилиш учун келганларга турли хилдаги иссиқ ичимликлар таклиф қилинди.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, иссиқ ўлкаларга учиб кетолмайдиган айрим қушлар қишда овқат топа олмай нобуд бўлишади. Шу боис уларга йилнинг совуқ кунларида ёрдам беришни одат қилиш керак.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

Инсониятни қандай янгиликлар кутмоқда?

XXI асрнинг ўн иккинчи йили ҳам ортда қолди. Бу вақт оралиғида олам неча бор турланди. Қанчадан қанча ихтиролар амалга оширилди. Бундан ўн йил аввал пейжер деган матоҳ ҳақиқий мўъжиза бўлиб кўринган бўлса, ҳозир энг сўнгги русумдаги смартфон, ай-пад ва ай-фонларни ҳам бефарқлик билан томоша қиляпмиз.



Бундан йигирма йиллар аввал айрим мактабларда ЭҲМ фани ўқитувчиси компьютер тасвирини доскага чизиб тушунтирган бўлса, эндиликда шахсий компьютер ҳар бир хонадонга кириб бораётир. Бугунги кунда мутахассислар яқин келажакнинг болалари қандай бўлишини тасаввур қилишмоқда. Келажакда миттивойлар учун мўлжалланган жажжи ноутбуклар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

2014 йилда нуфузли компаниялар портатив-таржимон қурилмаларни ишлаб чиқаришни кўзда тутмоқда. Демак, бундан буён тил ва таржима бобида ҳам ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Болалар сайёранинг исталган нуқтасидан дўстлар орттира оладилар, тармоқ ёрдамида хоҳлаган юртдаги таълим муассасасини ҳам, ўқитувчини ҳам ўзлари танлашлари мумкин бўлади.

2020 йилга бориб, чиндан ҳам бўш вақт анча кўпайиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Чунки, жуда кўп соҳаларда роботлар ва машиналар инсон билан бемалол рақобатлаша бошлайди.

Ҳозир дунёнинг етук мутахассислари ахборотни миядан тўғридан-тўғри компьютерга кўчириш устида бош қотиришмоқда. Бу борада муайян ютуқларга ҳам эришилмоқда. Кўп ўтмай, инсон фикрини автоматик тарзда ўқиш имконияти ҳақиқатга айланади. Яқин ўн йилликда ҳар биримиз мустақил равишда ахборотларни ҳаво тўлқинлари ёрдамида қабул қила оламиз, шекилли.

TechCast компаниясининг маълум қилишича, 2022 йилга бориб, атрофдаги ҳодисаларни идрок этадиган, қарор қабул қила оладиган, фикрлайдиган роботлар маиший мақсадларда кенг қўлланила бошлайди. Одамлар виртуал мулоқотга шу қадар боғланиб қолишадики, жонли мулоқот қилиш учун уларнинг кўникмалари етишмай қолади ва бунинг учун махсус мураббийлар, психологлар хизматига эҳтиёж сезадилар.

Шунингдек, кассир, почтачи, сайёҳлик агентлари ишини ҳам машиналар бажариши мумкин. Этикдўз, тикувчи, ошпаз сингари қадимий касб эгаларига ҳар доимгидек яқин келажакда талаб катта бўлиши эҳтимоли мавжуд.

Ғарб олимларининг шу сингари маълумотлардан хавотир олганича бор. Оммавий маданият кўринишидаги иллатлар, эгоцентризм, енгил-елпи ҳаётга интилиш сингари нуқсонлар чиндан ҳам инсоният бошига қанчалик ташвиш келтиришини кўпчилик тушуниб қолди. Албатта, тараққиёт ғилдирагини тўхтатиб, орқага қайтариб бўлмайди. Илм-фан, техника ва технология инсон ҳаётини фаровонлаштиришга хизмат қилиши лозим.

Ҳаммамизга маълумки, дунёнинг иқтисодий ва сиёсий архитектураси ўта жадаллик билан ўзгариб бораяпти. Ҳиндистон, Бразилия, Индонезия, Хитой, Ўзбекистон ва бир қатор давлатлар иқтисодиёти кескин ўсмоқда. Бундан ташқари, Мексика, Туркия, Жанубий Африканинг сезиларли муваффақиятга эришгани айтилмоқда. Лотин Америкаси мамлакатларининг катта қисми ўз иқтисодий потенциали тараққиётининг сифати ва суръати нуқтаи назаридан кўзга ташланиб қолди. Африка минтақаси ҳам ўсиш ва тараққиёт майдонига айланди. Айни пайтда Ғарбнинг ядросини ташкил этган давлатлар молиявий ва иқтисодий инқирозлардан кейин муайян турғунлик ва депсиниш даврини бошидан ўтказаётир.

Бироқ шунга қарамай, мутахассислар инсониятни 2013 йилда турғунликдан халос бўлишини башорат қилмоқдалар. Масалан, Халқаро валюта жамғармаси тахминларига қараганда, 2013 йилда Америка иқтисодиётининг ўсиши 2 фоизни, Япония ва Буюк Британияники 1 фоизни ташкил этса, Евроҳудудга кирган давлатлар камида пастга шўнғимаслиги мумкин.

Мана шундай бир вазиятда Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг 8,5 фоизга тенг бўлиши кутилаётгани эртанги кунга умидимизни янада оширади. Айтиш жоизки, мустақиллик ҳаётимизга янгича мазмун ва шиддат бахш этди. ҳар куни дунёнинг чор тарафидан Ўзбекистон номи билан боғлиқ хушхабар келиши, ёшларимизнинг илм-фан, маданият, санъат, спорт ва мусиқа соҳасида эришаётган ютуқлари одатий бир ҳолга айланиб бормоқда.

Йигирма бир йил тарих олдида жуда оз фурсат. Аммо шу нарса ҳам аниқки, йилларнинг ва ҳатто асрларнинг маъно-моҳияти фақат вақт тушунчаси билан ўлчанмайди, аксинча амалга оширилган эзгу ишлар, бунёдкорликлар, инсон манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ижобий натижалари инобатга олинади. Шу қоидадан келиб чиқсак, бугун инсон ҳаётининг узоқ тарихига айланиб қолган баъзи юз йилликлар ҳақида қисқа ва камтарона гапиришга тўғри келади. Ўтган асрнинг сўнгги ва янги асрнинг биринчи ўн йиллигида мустақил Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар камида бир асрлик маъно-мазмунга эга десак, муболаға бўлмас. Шу қисқа давр ичида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар, онг-шууримиз, турмуш тарзимиздаги эврилишлар чиндан ҳам ҳайратланарлидир.

Инсоният йигирма биринчи асрга эзгу ниятлар билан қадам қўйди. Йигирманчи асрнинг кўпдан-кўп талотўплари, қирғинбарот урушлари, тинчлик-тотувликка, аҳил-иноқликка раҳна солувчи хатти-ҳаракатлар эски юз йилликда қолиб кетади, башарият ҳаётида янги масъулиятли саҳифа очилади, деб умид қилди. Афсуски, бундай бўлмади, бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш, шахсий манфаатлар кураши, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий бузғунчилик, қўпорувчилик ҳаракатлари, дунё минтақаларида можаролар келтириб чиқариш, нифоқлашаётган томонларни бир-бирига гиж-гижлаш ва бунинг оқибатида ўзга ҳудудлардаги табиий бойликларни ўз тасарруфига олиш ниятлари янада фаоллашди. Мамлакатимиз мисолида айтадиган бўлсак, мустақил давлат сифатида оёққа тураётган юртимизга турли ғаразли оқимлар, бузғунчи ғоялар, маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ёт иллатлар таҳдид солгани бор гап. Ахборот хуружи, ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш учун кураш авж олди. «Бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор, — деб таъкидлайди Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида, — яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз».

Президентимиз халқимизни бундай шароитда асло лоқайд бўлмасликка, дунёда турли мафкуралар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тортишуви кундан-кунга кескин тус олаётган бир пайтда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга, истиқлол имороатининг маънавий пойдеворини, иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлашга даъват этди. Мустақил давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини, яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган режаларини белгилашда халқимизнинг тарих синовларидан, асрлар бўҳронидан ўтган тажрибасига, юксак инсоний фазилатларига, миллий ва маънавий қадриятларимизга суянди. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳеч кимдан кам ва ҳеч кимга қарам бўлмаслик, халқимизга муносиб ҳаёт тарзини яратиш, янги баркамол авлодни тарбиялаш, борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, келажак авлодларга Озод ва Обод Ватан қолдириш, “Шу азиз Ватан — барчамизники!” деган улуғ ва мўътабар туйғуни онг-шууримизга сингдириш бош мақсадимиз бўлди. Шу туйғу билан қанчадан-қанча синовларни, ғаразли, ошкорапинҳона фитналарни енгиб ўтдик, жамиятда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, аҳиллиноқлик, меҳр-оқибат, ижтимоий фаоллик, жамият ва миллат тақдири учун масъуллик ҳисси эришган оламшумул ғалабаларимизга пойдевор бўлди. Буни ўзимиз ҳам баралла айта оламиз, дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Халқни буюк келажак йўлида бирлаштириш, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг мустақил она-Ватанимиз — умумий бешигимиз бахт-саодати учун жон куйдириб, элим, юртим деб ёниб яшашга, фидойиларча меҳнат қилишга чорлаш олдимизда турган бош вазифага айланди.

Вақтнинг ўтиши — тўхтовсиз жараён. Тарих саҳифасидан жой олаётган ҳар бир йил маъно-мазмунига, эзгу амалларига кўра бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисини давом эттириб бораверади. Бинобарин, истиқлол солномаси ҳам янги ғалабалар, жаҳон эътиборига тушган янги ютуқлар билан бойишдан тўхтамайди. Келажак авлодлар бу солномага қараб, халқимиз учун энг буюк неъмат бўлган мустақиллик қандай қўлга киритилгани, бу йўлда қандай қурбонлар берилгани, халқимиз қалбини ёритган, пешонасини силаган бу илоҳий нур қандай асраб қолинганини шу солнома саҳифаларини варақлаб билиб олади.

Ўтган йиллар давомида жаҳон ҳамжамиятининг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий эшиклари биз учун кенг очилди. Бунинг натижасини бугун мамлакатимиз ҳаётида, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида, илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда дунёни ҳайратга солаётган ютуқларда кўрмоқдамиз.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Реклама

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти 2013 йил 31 январь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Туркистон кўчаси, 4-уйда жойлашган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг “Халқаро почтамт” филиали балансидаги 1996 й. и\ч, д\р 01/926 МВА, бошланғич нархи 5 300 000 сўм бўлган «ГАЗ 330210» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситаси юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

– закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

– ҳуқуқий шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.

Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин:

Алоқа телефони: (+998 93) 388-6996, электрон почта: tkos-mail@inbox.ru

«Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо» МЧЖ (КТИАС)

аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотраспорт воситалари қўйилмоқда: 1.31.07.2012 йилдаги №17025-сон ижро ҳужжат. асосан 2008 й.и/чиқ. дав. бел. 40 Q 805 ВА «Нексия» автотранс. воситаси, бош. нархи – 19 013 658 сўм. 2. 28.09.2012 йилдаги №21179/15-сон ижро ҳужжат. асосан 2006 й. и/чиқ. дав. бел. 30 R 0855 «Нексия» автотранс. воситаси, бош. нархи – 15 543 411 сўм. 3.22.02.2012 йилдаги №3856/15-сон ижро ҳужжат. асосан 2002 й. и/чиқ. дав. бел. бўлмаган «Рено» автотранс. воситаси, бош. нархи – 10 643 000 сўм. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 31 январь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказади. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 31 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 21 февраль куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисобрақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

ЭЪЛОН

«Turkiston ihtisoslashgan auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2012 йил октябрь, ноябрь ойларида «Технолог Метализ» шуъба корхонасига қарашли бошланғич нархи 15 650 000 сўм бўлган «ДЭУ Супер салон» русумли автотранспорт воситаси 17 500 000 сўмга, бошланғич нархи 2 480 405 сўм бўлган «ГАЗ 31029» русумли автотранспорт воситаси 2 950 000 сўмга, Тошкент давлат юридик институтига қарашли бошланғич нархи 6 100 000 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси 7 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

ЯНГИ РУКН: маънавиятимиз дарғалари

Ислом шоир

(Эссе)

Халқ ижодиёти — маънавиятимизнинг асл сарчашмаси. У кенг маънода оғзаки поэтик ижод намуналарини, халқ мусиқасини, рақс, рассомчилик, ўймакорлик каби талай соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Булар орасида санъат турларининг кўплаб унсурларини мужассамлаштирган халқ оғзаки ижоди тенгсиз маҳоратли ижрочилари билан асрлар мобайнида миллатимиз маънавиятини бойитиб келаётир.

Ана шундай миллий маънавиятимиз дарғалари қаторида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир Назар ўғли сингари халқ эътиборини қозонган, юртимизда ва унинг ташқарисида ҳам машҳур бўлган бахшилар мероси маданиятимиз, адабиётимизнинг бебаҳо дурдоналари саналади. Улар куйлаган термалар, достонлар барча замонларда тингловчиларни мардликка, ватанпарварликка, меҳр ва садоқатга, меҳнаткашликка даъват этиб келган. Бу ижрочи-ижодкорлар юксак маҳорат билан куйлаган эпик асарлар уларнинг номларини абадиятга муҳрлади.

Атоқли халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғли (1874-1953) Нарпай достончилик мактабининг йирик вакилларидан бўлган. У XIX асрда яшаб ижод қилган машҳур достончи Ражаб шоирнинг шогирди эди. Агар биз «Алпомиш» достонини қўлга олганда Фозил Йўлдош ўғлини кўз олдимизга келтирсак, «Орзигул» деганда беихтиёр Ислом шоир Назар ўғлини хотирлаймиз. Шунингдек, кўплаб халқона термалар, «Эрали ва Шерали», «Зулфизар ва Аваз-хон», «Гулихиромон», «Кунтуғмиш» каби достонлар ҳам Ислом шоир репертуаридан жой олган эди.

Халқ оғзаки ижоди намуналари бахшилар тилидан ёзиб олиниб, кўплаб нусхаларда чоп этилган. Бу достонлар халқимиз орасида маълум ва машҳур. Бироқ уларнинг ижодкорлари ҳақида — маънавиятимиз сарчашмаларида турган чинакам дарғаларнинг умр йўли, шахсияти, оиласи, феъл-атвори, ижод тарзи ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Аслида, бахши боболаримиз ҳаёти, юксак инсоний фазилатлари бугун барчамиз учун, айниқса, ёш авлод учун ҳам ибрат намунасидир. Шу нуқтаи назардан биз газетамизда «Маънавиятимиз дарғалари» номли янги рукн очиб, миллий маданиятимизга, санъатимизга беқиёс улуш қўшган атоқли ижодкор, санъаткор, уста-ҳунармандлар ҳаёти ҳақидаги хотиралар, ёдномаларни бериб боришни назарда тутдик. Мақсадимиз, маънавий меросимизни бойитишда беназир хизмат қилган улуғ боболаримизнинг умр йўли, амаллари, ибратли шахси бугунги авлодлар қалби ва шуурини эзгулик ёғдулари билан нурафшон этсин.

Қуйида Ислом шоир Назар ўғли ҳаёти ва фаолиятига бағишланган эссе эътиборингизга ҳавола этилмоқда. У 1945-1946 йилларда бахшига котиблик қилган, кўплаб терма ва достонларини ёзиб олишга муваффақ бўлган таниқли фольклоршунос олим, марҳум Сиддиқ Асқаров қаламига мансуб. Адабий меросимизда тарихий аҳамияти катта бўлган ушбу асар шоир Отаёрнинг шахсий архивидан олинди. Афтидан, муаллиф ва шоир йиғилган қўшимча маълумотлар асосида йирикроқ асар яратишни режалаган кўринади.

Таҳририят.

Ушбу эссе матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда

Ислом шоир жуда сезгир одам эди. Кўпинча менинг ёзаётгандаги ҳолатимни ручкани ушлашимдан биларди. Гоҳо бирон-бир иш билан хаёлим қочгудай бўлса: «Ҳа котиб, эсингга зулхумориинг тушиб кетдими ёки зулфизаринги?» деб қўярди. Мен гоҳо мийиғимда кулиб: «Оббо, ота, ахир қаердан биласиз, менинг нимани ўйлаётганимни» десам, шу заҳотиёқ: «Биламан-да, сен мени билмайсан. Менинг девларим зўр. Улар менга хабар бериб туради, қулоғимга шивирлаб кетади. Сенинг не ўй, не фикрда юрганингни билиб тураман, бовангни анойилардан дема», дерди.

Дарҳақиқат, Ислом ота ғоятда ҳозиржавоб, синчков, сезгир, ўткир фаҳм эгаси, заковатли инсон эди. Бир кун гапдан гап чиқиб: «Ислом ота, бахшиликни ҳам худо юқтирадими, ё ўз-ўзидан бўладими?» деб сўрадим. Ислом ота:

— Сен не деб ўйлаб эдинг. Хизр назар солмаса, эшак бозорига даллол бўлмайди-ку, бахшишоирлик осон иш эмас. Бизга юқтирган-да, шундан элга манзур бўлиб, устозларга қўл бериб, эргашиб, фатвосини олиб, юрибмиз. Айтсам улим, Худо юқтирган шу бўлади. Устозларимдан эшитган эдим бир ғор бор деб. Шу ғорга бориб, тунайсан. Ана шунда сенинг шоир бўлиш-бўлмаслигинг маълум бўлади. Мен устозлар айтган Мурид бахши отадаги ғорни кўп узоқ юриб сўраб-суриштириб топдим. Ғорга тушсам бир тегирмон тош бор экан. Устига бир пўстак ташланган. Мен яхшилаб атрофини тозалаб, сув сепдим. Чарчаганимдан пўстакка ётиб ухлаб қолибман. Билмадим, ярим кечами, бир норғул, новча, оппоқ соқолли, юзларидан нур ёғилиб турган, оддий юпун тўқима тўнли бобо пайдо бўлиб:

— Ў, бўтам, кел, — деди.

— Келдим, сизни зиёрат қилгани бова.

— Хуш келибсан, бўтам. Мени зиёрат қилиб келган бўлсанг жуда яхши. Қаердан, қандай ният билан келдинг, бўтам. Яёв келдингми ё уловдами?

— Оқтошдан келдим, элма-эл, қирма-қир яёв кезиб келдим. Ниятим бахши бўлиш. Шу ниятимга етай, сиздан оқ фотиҳа олай, деб келдим.

— Улим ниятинг холис бўлса, қани, бир дуо қилай, бутуни келармикан ё яримтами? — деб нималарнидир пичир-пичир қилди. Шунда тандирдан чиққан баркашдай патир нон дастурхони билан олдимда пайдо бўлди.

— Ол, бўтам, бутун келди. Бахшиликни ато қилдим. Ишинг ҳам бутун бўлсин. Элда обрўйинг бўлсин, — деди-да юзига фотиҳа тортди. Ўзи ғойиб бўлди. Шу-шу овозим равон бўлиб, ишим юришиб кетди, бахшилик ато бўлди.

Ислом ота билан узоқ ва яқин сафарларимизда йўлда — гоҳ яёв, гоҳ эшакда, топсак отда кетаётганимизда суҳбат қилар эдик. Уйда қолганимизда эса Ислом отанинг вақтини топиб достон ёки терма ёзишга ўтирар эдик. Албатта, рўзғор ташвиши бошига тушмаган киши оила бошлиғининг хаёлида нималар кечганини қаердан билсин. Мен у пайтларда ҳали уйланмаган эдим. Фақат елғиз ўзимнинг ташвишимни чекардим. Ислом ота эса ўзи, хотини, уч нафар боласи — беш тирик жоннинг қайғусини қиларди. Ахир, 1945 йиллар кўпчилик қатори бахши учун ҳам оғир йиллар бўлганди. Ислом отанинг биринчи аёли вафот этган, ундан икки фарзанд — Бобоқул, Эргаш қолган эди. Бобоқул олдинги эрдан эди. Шоирнинг ҳамда ўша давр қарияларининг гапига қараганда бу аёл ғоят миришкор, чаққон, пазанда, буғдой нонми, зоғора нонми, бўрсиллатиб чиройли ёпар экан. Пазандаликда Галақассобда унга тенг келадигани бўлмаган экан. Ислом шоир бу аёлга Авазхон бўлиб уйланган, дейишади. Ислом шоир болаларга ғоятда меҳрибон эди. Бобоқулни ўз фарзандидай севар, у ҳақда «Ўғлим Бобоқулжонга» номли терма ҳам яратганди. Йиғинларда унинг ажойиб фарзандлик хислатларини таърифтавсиф этувчи шеърлар, хотиралар айтиб берарди. Бобоқулнинг онасидан яккаю ягона Эргаш исмли фарзанд ёдгор бўлиб қолди. Афсуски, Ислом ота Эргаш ва Бобоқулларнинг онаси билан узоқ умр кўрмади. Бу аёл Ислом ота 50 ёшларида касалликдан вафот этди. Бобоқул армияга кетади, ота ёлғиз ўғил Эргаш билан қолади. Шундан кейин уруш йилларида бир ўғил, бир қиз билан бева қолган, чарх артели ишчиси Тилла опани қариндош-уруғлари ўртада туриб олиб беради. Тилла опа Ҳамид исмли ўғли ва Мукаррам исмли қизи билан Ислом шоирга турмушга чиқади. Мен Ислом шоирга котиб бўлиб, ишлаб юрган кезларимда Мукаррам 8 ёшларда, Ҳамид 5-6 ёшларда эди. Болалар Ислом отани асло бегонасирамас, ҳудди ўз оталаридай унга эркаланар, унинг оқ аралаш чўққи соқолини силаб ўйнар, атрофида ҳамиша гиргиттон эди. Одамлар орасида камтар, камсуқум кишиларни «кичик феъл» деб ҳам аташади. Ислом ота кичик феългина бўлиб қолмай, балки болалар билан муносабатда ҳам кичкинтойларнинг тили ва дилидагини топиб гапиришга уста эди. Ахир, у шоир эди-да. Шоир бўлганда ҳам туғма истеъдод соҳиби эди.



Мусаввир: Азамат Ҳотамов

Очиғини айтиш керак, Тилла опа мураккаб характерли аёл эди. У гоҳо муомалада юмшоқ, баъзан оғир, самарқандлик аёлларга хос кийинар, норғул, оқ куввадан келган, юзида чечакнинг излари бор эди. Сочи устидан чамбарак қилиб рўмол-дурра ўраб юрарди. У ўзига ярашарди. Кенг, узун, қўл бармоқларини ёпиб турадиган қизил чит кўйлак, жияклли узун лозим киярди. Бир хил гаплари эркалангандек эшитилар, кам куларди. Гоҳида Ислом шоирга ҳам: «Ҳа сен қарига менга ўхшаш ёш аёл тегармиди? Бошга тушганни кўр кўрар», дегандай димоғ-фироқ қиларди. Лекин шоир ҳам бўш келмасди, ё Гўрўғли, ё Авазхон ёки Ҳасанхон бўлиб, ёрига тегишгандай юмор ишлатарди. Тилла опа сўзга йўқроқ аёл эди. Унинг шеър билан айтган юморига ёки оддий нақлларига очиқ чеҳра билан зулфизар бўлиб жавоб қилолмай, «Ўлақолинг-эй, ёш бача бор ҳам демайди, оғзига келганини қайтармайди», деб пўнғиллаб қўярди. Кўп ўтмай, таъсир қилади, шекилли, майин кулиб қўярди.

Кўпинча бахшига, ҳатто бахшининг жияни нашаванд Шукурга ҳам жаҳл билан тўнғиллар, «Заҳарингга нашангди мужиб жотабермайсанми, менга сўз қатгунча, қуриб кетгурлар», деб жеркарди. Қўйинг-чи, унинг қовоғи очилиб, кулиб юрганини кам кўрардик. Гоҳо ҳадеб тўнғиллаб ёки қарғаниб юрса, Ислом ота киноя, қочириқ, пичинг юморли ибораларни ишлатар, бахшилар тили билан айтганда, қабағини уйиб, бурнини қийшайтириб, кўзини алланечук қилиб, «Ибий, нега бунча қабағингди уясан, олақарғадай кимни кўрсанг чўқиб берасан», деб попугини пасайтириб қўярди. Лекин Ислом ота юморсиз аччиқ гап, ҳақоратли сўзлар ишлатмасди, унинг юрагидаги асрорини билгандай: «Ҳа, кампир, сенга не бўлди? Инсжинс тегдими? Бунча қабағинг очилмайди? Қабақари чаққандай ғинғиллайсан. Э, худо олсин сени, эчки тепкур», деб ҳазилмутойиба билан кулдириб ҳам юборарди. Ислом ота оқ кўнгил, сахий қалб, одамшаванда инсон эди. Ахир икки етим билан — бир қиз, бир ўғил билан тул қолган аёлни ҳамда ўзининг Эргаш исмли ўғли, қишда печка ёнида ёнбошлаб, ёзда эса каравотдан тушмай, қўли ишга бормай қолган, бирон ишни ёлчитмай тоға ҳисобига яшаб умр ўтказаётган жияни Шукур — ҳаммаси шу Ислом шоир ҳисобига яшар эди. Ислом ота уларни бирон марта қаттиқ уришиб ёки жеркиб, дўқпўписа қилганини билмайман. Қаерда бўлса ҳам, гоҳо дастурхон устида ёки фарзанд ҳақида гап кетганда: «Орқамда қолсин, илоҳим, умри узоқ бўлсин, бахтли бўлсин, от ўрнини той боссин», деган гапларни тез-тез қайтариб турарди.

Хотинининг айрим пайтлардаги муносабатлари унга ёқмасди. Ўғли Эргашга қараши билан фарзандларига нисбатан муносабатидаги фарқни сезганда, гоҳо «ўгай-да» деб очиқ айтиб қўярди. У етимпарвар эди, ўгай ўғли Ҳамидни ёки ўгай қизини ҳеч қачон камситмасди, ўгайлигини сездирмасди. Ҳатто онаси фарзандларига нисбатан қаттиққўллик қилгудай бўлса, «Буларни нега жеркасан, ҳамма нарсага оччувинг чиқаберадими? Буларга отасидан айрилгани етмайдими? Тағин уришасан», дерди. Чунки бу икки норасиданинг оталари урушда ҳалок бўлган эди. Уларни Ислом ота ўз фарзандидай пешонасини силарди. Лекин аёлнинг қовоқ-димоғи, жеркиб гапиришлари Ислом шоирнинг сўлғин кайфиятда юришига сабаб бўларди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам у ўзини тута биларди. Оилада унинг кайфияти болаларнинг кайфиятига қараб ўзгариб турар эди. У болаларнинг бошини силар, уларга доим омад, бахт тиларди. Узоқ бир қишлоқда ота-онасидан ажралиб, опа ва почта қўлида хўрланган бола ҳақида эшитгач, бориб уни олиб келган. Унга саккизта қўй, эчки олиб бериб, «Боқиб кўпайтирсанг, сени уйлантириб қўяман», дерди. 10-11 ёшлардаги қорачадан келган, истараси иссиқ бу ёқимтой боланинг исми Улуғ эди. Бу боланинг юриш-туриши, гап-сўзлари, кулиши, қовоқ уюши, кийим-кечаги ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. У мен билан ҳазиллашар, мен унинг кўнглини кўтариб қўяр эдим. «Уйлансанг тўйингга айтасанми?» десам, «Сиддиқ ака, шоир бовам ростан уйлантириб қўярмикин ё қўйини боқтириб, алдаб қишлоғимга жўнатиб юборармикан» дерди. Шунда мен ҳазил-мутойиба билан жавоб берар эдим: «Оти улуғнинг келажаги ҳам, ўзи ҳам улуғ бўлади. Сенга шоир бобонг: «Ўзи кимни хоҳласа шуни олиб бераман. Бўлмаса, ўзим совчи бўлиб чиройлисидан, яхши одамнинг қизини олиб бераман, ўзи кўп яхши бача», деб менга кўп айтиб юради. Ҳалол меҳнат қиляпти, бегоналигини билдирмаяпти, дейдики, яна билмадим», десам, Улуғ: «Ака, тўғри айтасиз, шоир бобом мени яхши кўради, яқинда битта қўйни сотиб сенга костюм-шим, бир сидра усти-бош қилиб бераман, деди. Билмадим, момом нима деркин», деди ўйланиб.

— Ака, бир сўз айтсам шоир бобомга айтмайсизми, — деб қолди Улуғ бир куни.

— Нима, мендан ҳам сирингни яширасанми? Ундай бўлса ака-укалигимиз нима бўлади? — дедим.

— Ундай бўлса, ака, шу Ислом отам қизини берармикан? Яхши қиз-да қурғур, — дейди кулимсираб эркалангандай.

Мен бўлсам кичкинтой дўстимнинг саволига жавоб беришга ҳаракат қилдим:

— Оббо, сен-эй, ҳали шундай ниятим ҳам бор, дегин. Чакки эмассан, дидинг ҳам ёмон эмас, яхши қиз. Бир лекини бор. Ислом отани кўндирармиз-ов, онаси нима деркин. Шуниси бироз бошни қотириб турибди-да.

— Тўғри айтасиз, онасининг оччуви жаман. Мени кўп уришиб ташлайди. Бобом бир ёққа кетса Эргаш икковимизди қарғай беради.

Қарасам, кўнгли ўксинди. Уни юпатиш учун:

— Сен бованг билан қалин бўлавер, мен ҳам айтиб кўндиришга ҳаракат қилиб кўраман, — дедим.

Ислом ота тарбиясидаги бу қиз онаси ортидан эргашиб келган Мукаррам эди. У эди. У мен котиблик қилиб юрганда 8-9 ёшлардаги абжиргина, қорачадан келган, юзлари силлиқ, истараси иссиқ, қувноқ, шўх қиз эди... Орадан 16 йил ўтгач борганимда суриштирдим, бир шофёрга турмушга чиқиб кетган экан. Бир неча йил турмуш қилганига қарамай биттагина ўғил кўрибди. Менинг келганимни эшитиб, уйига таклиф қилди. Биз Ислом шоирнинг ўғли Зиёдулла, ён қўшниси Қилич ака билан бирга бордик. Эри қутиб олди. Яхшигина меҳмондорчилик бўлди. Ислом отани кўп эсладик. Улуғни сўраган эдим, у бир хўжаликда механизатор экан. У ҳам эртаси Нарпай-Оқтош бозорига келибди. Танишлар унга менинг келганимни айтишибди. Сўнг мени излаб сартарошхонадан топди. У энди бир эски чопон, дўппи кийган ялангоёқ Улуғ эмас, балки барваста, гаплари ҳам жиддий, келишган бир йигит эди. Кўриб хурсанд бўлдим. Оиласини болаларини суриштирдим.

— Ака, мен сиз ҳақингизда келинингизга доим гапириб юрардим. У сизни кўрмаган бўлса ҳам кўргандай танийди. Ҳовлига олиб кетай, — деб ҳоли-жонимга қўймади. Лекин вақт тиғиз, сафаримиз тугаб қолганди, узр сўрадим. Чойхонада ўтириб узоқ вақт суҳбатлашдик. Ислом отаникида ўтган кунларни эслашдик. Мен 1946 йили Тошкентга қайтиб кетгач, Улуғ яна 3 йилча отаникида юрган. Кейин уни қариндошлари ўз қишлоғига олиб кетиб, трактор курсида ўқитибди. Ислом отаникига келиб тураркан. Отанинг ёрдамида қишлоғидаги ўзи севган қизга уйланибди. Афсуски, ҳамон фарзанд кўрмаган экан. Мен Улуғга ўз манзилимни ёзиб бердим. У ҳам манзилини берди. Ака-укаликни давом эттиришга келишдик.

Сиддиқ АСҚАРОВ

(Давоми келгуси сонда)



Билмаганни билган яхши

Эмансипанция нима?

— Яқинда газетада "эмансипанция" деган сўзни ўқиб қолдим. Эмансипанция нима? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ж.Муҳаммаджонов
Андижон вилояти

Эмансипанция миллий қонунчилигимиз учун янги тушунча ҳисобланиб, бунда вояга етмаган шахснинг тўлиқ даражада муомала лаёқатини олиши тушунилади. Битим тузиш учун ҳар гал қонуний вакилларнинг розилигини олишдан вояга етмаган шахсни озод қилишни, эҳтимол, эмансипациянинг асосий мақсади деб ҳисоблаш мумкин.

Эмансипанция фақат 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахснинг истаги ва аризасига асосан эълон қилиниши мумкин. Бу ота-она, қонуний вакилларнинг розилиги билан суд қарори асосида амалга оширилади. Вояга етмаганни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза суд томонидан аризачи, унинг ота-онаси (ёки уларнинг бири), фарзандликка олувчи, ҳомий, васий ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўриб чиқилади.

Эмансипанция эълон қилинганидан сўнг вояга етмаган шахс тўлиқ ҳажмда фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ҳамда мажбуриятлар, жумладан, ўзи тарафидан етказилган зарар оқибатида вужудга келадиган мажбуриятларни зиммасига олади. Аммо қонунчиликда ёш чеклови ўрнатилган қатор ҳуқуқ ва бурчлар бундан мутасно. Масалан, эмансипанция қилинган вояга етмаган фуқаро ҳомий ёки васий бўла олмайди, жиноят содир этганида унга нисбатан вояга етганлар учун назарда тутилган жиноий жазо чоралари қўлланилмайди.

Саволга Балиқчи туманидаги 2-сонли ДНИ катта нотариуси Д.ҚОБУЛОВА жавоб берди.

Қўшним судга бермоқчи...

— Яқинда қўшним билан жанжаллашиб қолдик. У судга мурожаат қилиб, мендан маънавий зарар ундиришини айтди. Қандай ҳолларда маънавий зарар ундирилади?

О.Сафаева
Қибрай тумани

Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қуйидаги ҳолларда ундирилади:

— агар зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

— зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, маъмурий жазо қўллаш ва ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

— зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса.

Саволга Ҳамза туманидаги 6-сонли ДНИ нотариуси Ҳусан КАЗАКБАЕВ жавоб берди.

Кимга мурожаат қилай?

— Яқинда куёвим оламдан ўтди. Қизимнинг икки нафар фарзандига отасидан қолган меросни расмийлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилдик. Аммо улар марҳумнинг рўйхатда турган жойига мурожаат қилишимизни айтишди. Тақдир тақозосига кўра, куёвим ҳаётлигида пойтахтда яшаса-да, Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида рўйхатда турарди. Шу боис, меросга доир ҳужжатларни ўша тумандаги нотариал идорага тақдим этдим. Бу ерда эса ҳужжатлар Тошкент шаҳридаги нотариал идорада расмийлаштирилиши лозимлигини таъкидлашди. Энди кимга мурожаат қилишимиз керак?

Р.Солихов
Тошкент шаҳри

Фуқаролик кодексининг 1117-моддасида белгиланишича, мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Агар марҳум куёвингизнинг доимий рўйхатда турган жойи Оқдарё тумани бўлса ўша тумандаги нотариал идорага ёки меросга оид ҳужжатлар билан фуқаролик ишлари бўйича туман судига мурожаат қилишингиз мақсадга мувофиқдир.

Саволга Олмазор туманидаги 11-сонли ДНИ нотариуси Фозилхўжа НАБИЕВ жавоб берди.

Буюклар бисотидан

Ҳожи Абдулазиз ота излари

Излар... Хиёбонда мен кўрган излар,
(Кечиринг, Самарқанд йигит-қизлари)
Ҳожи Абдулазиз ота излари,
Ҳа, нохун чертилган лаҳза излари!

Ҳамид ҒУЛОМ



ҲАҚИҚИЙ САНЪАТ ҚАРИМАЙДИ

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари. Самарқанд хореография билим юртида таълим олаётган бир гуруҳ ёш истеъдодлар таътил пайти Тошкентга келиб, Мулла Тўйчига учрайдилар. Шунда Хофиз улардан сўрабди:

— Ҳожи бободан баҳра оляпсизларми?

— Йўқ, — дебди улардан бири.

— Нимага?

— Эшитишимизча, Ҳожи Абдулазиз қариган, услуби ҳам аллақачон эскирган.

Ҳофиз бирдан тутақиб кетибди:

— Ҳайф сизларга, ҳайф. Хазина ичида туриб, ундан баҳраманд бўлмаяпсизларми? Ҳайф-э! Қариган дейсизларми? Олтиннинг қариганию эскиргани, занглагани бўладими? Ҳожи бобонгиз қадимги "Шашмақом"-имизнинг асл нусхаси-ку! Ҳақиқий санъат ҳеч қачон қаримайди!

ЯНГИ ЙЎЛ, ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

Ҳожи Абдулазиз бир ғазални бир неча вариантда ижро қилар, ҳамиша янгиликка интиларди. Масалан, "Ушшоқ" турли даврдаги ҳофизлар томонидан белгиланган бир услубда ижро этиб келинарди. Унинг ижросида эса оҳанг, янги авжга эга бўлиши мусиқа ихлосмандларининг эътиборини тортди.

Бир куни шогирларидан бири, кейинчалик таниқли бастакор бўлиб танилган Толибжон Содиқов ҳайрат билан шундай деди:

— Устоз, кеча ўқиган "Бебокча"нгиз бошқа эди. Ҳозир бошқа?..

— Ҳа, — тасдиқлади Ҳожи Абдулазиз ва кулимсираб давом этди: — Бугун менга илҳом янги йўл кўрсатди. Мен шу йўлдан боравердим.

ШОГИРД ТАЙЁРЛАШНИ ИСТАМАСМИДИ?

Буюк ҳофиз томонидан мусиқа ва мақомларнинг турли вариантларда ижро этилиши ҳар хил асоссиз, бўлмағур гапларнинг тарқалишига сабаб бўлган эди. Гўё у ўзидан кейин шогирд қолдиришни хоҳламас, билганларини бошқаларга тўлалигича ўргатмас, оҳангларни тўғри ва бир маромда ижро этмай, атайлаб уларни ўзгартириб, шогирдларининг бошини қотирар эмиш...

Шогирларидан Юнус Ражабий бу борада шундай деб ёзганди: "Ҳожи Абдулазиз ўз даврининг буюк ҳофизи ва мусиқори (бастакори), мусиқа илмининг забардаст мутахассиси бўлиб, бир асарни иккинчи ва учинчи марта аввалгисидай ижро этмас, бу ишни атайин қилмас, балки оҳангларга янги жило бериш, уларни бойитиш мақсадида турли йўналиш ва услублардан фойдаланар, ижро асносида тафаккурида пайдо бўлган фантазияларни бирма-бир рўёбга чиқарар, бу мусиқа ва қўшиқларнинг янада жозибадор чиқишига сабаб бўларди".

ҲОФИЗНИНГ ДАВРИ ЎТДИМИ?

Ҳожи Абдулазиз ота пешин намозини Шердорда ўқиб бўлгач, мадраса ёнидаги чойхонага ўтиб, чойхўрлар даврасида гурунглашиб ўтиришни хуш кўрарди. Бир сафар негадир кечикиброқ келди. Шу дам даврадагилар уни ҳурмат билан эслаётганига гувоҳ бўлди, отанинг шаънига бўлаётган мақтовлар Насим доирачига ёқмаётганди, унинг энсаси қотиб:

— Ҳаммаларинг Ҳожи, Ҳожи дейсизлар. Э, агар Толмас қўлига дутор олса борми, Ҳожи бир пул бўлиб қолади!

— Бунақа гапларни қўйинг, Насим ака, — деди хижолат бўлиб Толмас.

— Ана кўрдингизми бу фақат хокисор, — сўзида қатъий туриб олди Насим. — Масалан, "Мухаммас", "Сарахбори наво", "Мухаммаси ушшоқ"-ни астойдил куйласа, Ҳожидан ўтиб кетади.

Бирдан давра жимиб қолди-да, ҳамма эшик томонга қаради. Бу пайт Ҳожи эшикка суянганча хаёл суриб турар, ҳамма гапларни эшитгани қиёфасидан маълум бўлди. У ичкарига қадам ташлади-да, чойхоначига чой тайинлаб, ўзининг ҳар доимги жойига бориб ўтирди. Чойхоначи чой келтирди. Бир зум хаёлга ботган Ҳожи бошини кўтарди-да, даврага қараб:

— Эҳтимол Насим доирачининг гаплари тўғридир. Чунки ягонаман деган ҳофизнинг ҳам даври бўлади. Бу узоғи билан 10-15 йил давом этиши мумкин. Менинг даврим эса бундан анчагина ошди. Охирига етган бўлсаям, ажабмас, — деди.

У пиёлага чой қуйди-да, сўзида давом этди:

— Нима бўлгандаям Толмас билан бир беллашмоқчиман. Даврим ўтдими ёки пича борми, билиб олмоқчиман!

Ўзи билан бирон мусиқа асбобини келтирмагани боис, у чойнак тагидаги ликопчани қўлига олди, бир томонлама тутиб, оғзига яқинлаштираркан аста-аста чертиб, ўзига маъқул оҳангни топди-да, куйлай бошлади. Толмас ҳам беллашишга рози бўлди.

Ўша куни Ҳожи бобонинг ижодий қуввати нафақат пасаймаган, ҳатто кучайгани маълум бўлди-қолди! Бунга ҳамма тан бериб олқишлашди.

ОВОЗ ПУЛЛАНМАЙДИ

Ҳофизнинг шуҳрати Оврупогача ёйилганди. 1907 йили ғарб ширкатларидан бирининг вакили Самарқандга келиб, Ҳожи Абдулазизнинг овозини ёзиб олиб, пластинкаларини чиқармоқчи бўлди. Бунинг эвазига ғарблик катта пул ваъда қилган бўлса-да, Ҳофиз аниқ жавоб айтмас, хаёлга чўмганича ўтирарди...

Меҳмонлар кетгач, унинг ёнига кирган бир дўсти: — Рози бўлдингизми, домла? – дея сўради.

— Ўйлаб кўраман, дедим, — жавоб қилди Ҳожи. — Лекин рози бўлмасам керак.

— Нега?!. — ҳайрон бўлди ҳамсуҳбати. — Катта пул тўлашади-ку ғарбдагилар?

Ҳожи ўз душманлари, кўролмайдиганлари ҳақида биринчи марта очиқ-ойдин гапирди:

— "Ошналарим" Ҳожи овозини сотди, деб гап чиқаришсинми? Қўйинг, гап-сўз кўпаймасин, овоз пулланмайди, деди.

МУЛЛА ТЎЙЧИНИ НИМА МАФТУН ЭТДИ?

"Самарқанд ушшоғи"ни яратган Ҳожи Абдулазиз берилиб куйлар, "Тошкент ушшоғи"и билан ўзгача шуҳрат топган Мулла Тўйчи ҳофиз бошини қимирлатганича уни жон қулоғи билан тингларди. Қўшиқ ниҳоя топгач "бай-бай"лаб рўмолчаси билан кўз ёшини артаётганида кимдир:

— Шунчалик таъсирландингизми, устоз? — деб сўради.

Дарҳақиқат, дардли, юракни титратувчи ижро таъсиридан Мулла Тўйчи кўз ёшини тутолмаганди. Бироздан сўнг унинг юзига табассум югураркан, деди:

— Мафтун бўлдим!

— Нимадан?

— Самарқанд булбулининг ўзини тутиши, дилрабо қўшиқни қай тарзда ижро этишидан! Шундай деб у даврадагиларга маъноли бир назар ташлади-да, мулоҳазомуз қўшиб қўйди:

— Кўп куй-қўшиқлар ижро этилди. Эътибор бердингларми? Аксарият ҳофизлар ижро асносида, айниқса, авж пайтида оғизларини катта очдилар, бўйни ва пешонасидаги томирлари туртиб чиқди. Бошлари ҳам хунук тарзда — гоҳ баланд, гоҳ паст бўлди. Аммо Ҳожини кўз олдингизга келтиринг! Куйлаётганида лаблари очилай деб турган гул ғунчасига ўхшар, у қўшиқни мутлақо зўриқишсиз, худди роҳат қилаётгандай ижро этар, юз-кўзидаги ифодалар тараннумдаги дилраболикка ҳамоҳанг тушар, тўлдирар, тингловчига ҳар сўз, ҳар бир мисрани тушунарли алфозда етказарди.

Мулла Тўйчини эшитган санъаткорлар шундай хулоса чиқардилар: демак, хонанданинг ўзини қандай тутиши алоҳида аҳамиятга эга, ундаги юз ифодаси ҳам тингловчининг руҳиятига таъсир қилади!

КИМ НЕЧА КУН "КОНЦЕРТ БЕРИШГА" ҚОДИР?

Таниқли ҳофиз Левича (Леви Бобохонов)нинг ҳам мухлислари кўп бўлган. Айтишларича, фақат у Ҳожи Абдулазиз билан тенглаша олиши мумкин экан.

Бухоро ва Самарқанднинг икки забардаст мақомчиси эл кўз ўнгида беллашадиган бўлишибди. Мухлислар ҳаяжонда: ким ғолиб бўларкин?

Бу саволга забардастларнинг беллашувидан кейингина жавоб олиш мумкин эди. Шарт оддий: ким неча кун битта куй-қўшиқни такрорламасдан ижро маҳоратини намоён этишга қодир?..

Мусобақа бошланадиган куни биринчи бўлиб саҳнага Левича чиқди. У катта ашула йўналишида классикларимизнинг энг сара ғазалларини куйлай бошлади. Ҳар бир куй-қўшиқ замирида севги қувончи ва ошиқ юракнинг ғам-ситамлари мужассам эди. Узлатга тушган ғарибнинг оҳу нолалари, ватангадоларнинг фиғони, қўшиқлардаги дуо ва тилаклар, тавба-ю, истиғфорлар, юрак қони ва кўз ёшларига беланган муножотлар тингловчиларнинг қалбларини ларзага соларди.

Левича шу йўсинда ўн бир кун мақом ва мусиқадаги бирон сўз ва савтни такрорламасдан моҳирона ижро этди ва маромига етказиб куйлади.

Навбат Ҳожи Абдулазизга етди. У "Шашмақом"даги бирон парчани такрорламаган ҳолда ўн тўрт кун мобайнида назм ва наво ихлосмандларининг кўнглини забт эта олди. Буюк санъаткорнинг ҳар бир хониши оҳанг ва сўз уйғунлигининг беназир намунаси эди!

Ҳамма ҳаяжонда...

Ўн бешинчи куни Ҳожи Абдулазиз чойхонага келиб дуторини жилддан бемажол чиқараётган ҳам эдики, оломон ичидан кимдир қичқирди:

— Ҳожи бобо, ягонаи даврон экангизни ўн тўрт кундан буён ҳис этиб ўтирибмиз. Бошқа ҳеч қандай исботнинг кераги йўқ! Уйингизга бориб дам олинг!

Муҳаммад ШОДИЙ

Фикр

Газетамизнинг ўтган сонларида айрим ёшларнинг "оммавий маданият" саробларига алданиб, интернетдаги тутуруқсиз сайтлар исканжасига тушиб қолаётгани ҳақида мақолалар чоп этган эдик. Ушбу чиқишларнинг аксарияти айнан талаба ва ўқувчилар томонидан тақдим этилгани кишини қувонтиради. Зотан, улар ўз тенгдошларига, ён-атрофидаги воқеаларга бефарқ эмас.

Вақт — олтиндан ҳам қиммат

Ана шундай муаллифлардан бири — Тошкент Ислом университети талабаси Акобир Абдуллаев ўз хатида айрим тенгдошлари интернетни хоббига айлантириб, кўп вақтини бесамар ўтказаётгани хусусида қуйидаги сатрларни битади: "Бугунги кунда интернет кафеларда, бекатларда ва жамоат транспортида ёшларнинг "сотка"нинг ичига кириб кетгудек даражада ижтимоий тармоқлар орқали берилиб суҳбатлашаётганини, алланималарни томоша қилаётганини кўп кузатиш мумкин. Odnoklassniki.ru сайтининг Ўзбекистондаги аъзолари 2 миллиондан, mail.ru аъзолари эса 500 мингдан ошиб кетганининг ўзиёқ сўзимиз исботидир. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Албатта, улар орасида интернетдан мақсадли фойдаланаётганлари ҳам борлигини инкор этмаган ҳолда, ножўя таъсирларга берилиб, қимматли вақтини беҳуда совураётганлар ҳам йўқ эмаслигини таъкидлаш ўринли".

Шунга ўхшаш муаммони кўтарган тадқиқотчи Назокат Сапарбаева эса айрим қизларнинг одоб-ахлоқида ноқисликлар мавжудлиги, шу боис, улар дарсдан бўш вақтларидан ноўрин фойдаланишаётгани хусусида шундай ёзади: "Онаси яхши гап билан тушунтирмоқчи бўлиб, "Шу қизларга қўшилганингдан буён ўқишингдан кеч келиб, мени ташвишга солаяпсан", — деган ҳам эдики, қиз онасини жеркиб ташлади:

— Тавба! Ўзингиз маҳалладан нарини билмайсиз-у, яна худди ўқишимни тушунадигандек гапирасиз. Олдин икки оғиз гапни эплаб гапиришни ўрганинг!"

Онага нисбатан бундай муомалани кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим. Шу сабаб бўлди-ю, кўча-кўйда юрганимда қизларни кузата бошладим. Чиндан ҳам улардан айримларининг хиёбонларда, истироҳат боғларида ва ҳатто бекатларда ҳам йигитлар билан қўл ушлашиб ёки қучоқлашиб туришганини кўриб ажабландим. Айниқса, учрашув пайтида оиласидан бирор киши қўнғироқ қилса, "Кейинроқ ўзим телефон қиламан. Ҳозир кутубхонадаман", — дея алдаганига гувоҳ бўлганимда ҳайратда қолдим..."

Хўш, айрим ёшлар ўртасида бундай салбий иллатларнинг юзага келишига ким айбдор? Биров уларнинг ўзларини айбласа, бошқа кимдир ўқитувчиларни, яна кимдир ота-оналарни айбдор деб билади. Бу фикрларнинг барчасида маълум маънода жон бор, албатта. Лекин бу муаммонинг жиддий тус олишида, аввало, оиладаги муҳитнинг "ҳисса"си катта, бизнингча. Бинобарин, халқимиз "Қуш уясида кўрганини қилади" деган мақолни бежиз айтмаган. Шу ўринда яна бир савол пайдо бўлади: аслида кимнидир айбдор қилиш муаммони ҳал этадими?

Бу ҳақида жамоатчилик фикрини билиш мақсадида пойтахтимиздаги айрим ўқув масканларида бўлдик, ўқитувчилар, ўқувчилар, ва талабаларнинг фикрлари билан қизиқдик:

Фотима Бободавлатова, Миробод туман саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси:

— Бундай ўқувчилар бизнинг коллежимизда ҳам бир-иккита бўлса-да, бор. Тўғриси, уларга ачинасан киши. Эрталаб келади, дарсга кирса-киради, бўлмаса, тўппа-тўғри интернет-кафега йўл олади ёки соатлаб телефонда ўзига ўхшаганларга SMS юбориш билан банд бўлади. Менимча, уларни тўғри йўлга солишнинг иложи бор. Тенгдошларимиз орасида бу каби ялқовларга намуна бўла оладиган ўғил-қизларни топса бўлади. Улар аъло баҳоларга ўқишдан ташқари дарсдан бўш пайтларида ишлаб, оиласига молиявий кўмаклашмоқда ҳам. Бундай тенгдошларимиздаги шижоатни ўқишга ҳуши камроқ болаларга ибрат қилиб кўрсатиш, тажриба алмашишларини ташкил этиш керак, менимча.

Мансур Жумаев, ЎзДЖТУ талабаси:

— Курсдошим ҳамда яқин дўстим кечагина менга "ёрилди": "Нима қилишни билмай қолдим, жўра! Ўзимга ўзим "энди "одна"га кирмайман, телефонда қизлар билан соатлаб валақлашмайман" деб ҳар тонг сўз бераман. Кечқурун яна эски аҳвол: ё қизларнинг ўзлари қўнғироқ қилишади, ё ўзим "одноклассники"га кирганимни билмай қоламан. Ярим тунгача ундан чиқиб кетолмайман. Эрталаб дарсга борсам, уйқу босаверади... Мустақил ишларнинг жавобини беришга келганда... бошим қотиб, уялганимдан ерга қарайман. Дарсда эса уйга бориб, ухлашни ўйлайман. Очиғи, бу аҳволдан қандай қутилишниям билмай қолдим".

Дўстимга жаҳон адабиётида ўз ўрнига эга машҳур драматург Юджин О Нилнинг ҳаётини мисол келтирдим. Ёзувчи касалга чалиниб, ётиб қолганида беҳуда ўтказган йиллари ҳақида жиддий ўйлаб кўради. Соғайиб оёққа тургач, ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартиради. Албатта, унинг бу саъй-ҳаракати зое кетмайди, у катта шон-шуҳратга эришиб, Нобель ҳамда Пулицер мукофотлари совриндорига айланади.

Ҳа, чиндан-да инсон нимагадир эришишни қатъий хоҳласа ва астойдил ҳаракат қилса, мақсадига эришади. Аммо умрини беҳуда совуриб, енгил-елпи ҳаёт кечирса, бир куни афсус чекиши аниқ. Тенгдошларимга айтмоқчи бўлганим шуки, ҳар қандай нарсанинг меъёридан ошиши инсоннинг зиёнига хизмат қилади.

Шерзод Бердиқулов Тошкент шаҳар Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:

— Инсон табиати қизиқ. Унга қанча қулай шарт-шароит яратиб берилса, шунча дангаса бўлиб бораверади. Вақтдан унумли фойдаланмайди. Сўнг афсус чекади. Яқинда 2-3 йил аввал коллежни тугатган бир ўқувчимни учратиб қолдим: "Устоз, "ўқи" деганингизга гапингизга кирмай, бекорчи нарсаларнинг кетидан қувибмиз. Энди эса... мияда эса ҳеч вақо йўқ. Репетиторга қатнаяпман-у, каллага ҳеч нима кирмаяпти. Нима қилишни ҳам билмай қолдим", — деди афсусланиб. У кеч бўлса-да, хатосини англабди. Афсуски, бола энди репетитор ёллаб ҳам ҳеч нарсага эришолмаяпти.

Баъзан ён-веримизда ўз фарзандларига лоқайдлик билан қарайдиган одамларни учратиб, ҳайратдан ёқа ушлаган кунларимиз ҳам бўлган. Уларга болага эътиборлироқ бўлишини айтсанг, ишингиз бўлмасин қабилида жавоб қайтиришади. Қадимгилар умрни бежиз оқар сувга қиёслашмаган. У оқиб ўтгандан сўнг, афсусланиш бефойда. Бир нарса аниқ: эртанги кун учун бугун мустаҳкам пойдевор қўйилсагина кўзланган орзу-мақсадларга эришиш мумкин.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat"мухбири

Реклама

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2013 йил 6 февраль куни соат 10:00да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Олтиариқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 11.08.2012 йилдаги 1-732/12-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1996 й. и/ч "Форд Д" русумли, д/р 40 Y 244BA, бошланғич баҳоси 14 450 000 сўм; Фарғона вилояти ҳудудий бошқарма СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилоят судининг 08.08.2012 йилдаги 2-50/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1990 й. и/ч "Форд" русумли, д/р 15 AN 748, бошланғич баҳоси 11 813 961 сўм, 1976 й. и/ч "Маз 503А" русумли, д/р 15 AN 140, бошланғич баҳоси 8 130 200 сўм, 1984 й. и/ч "Ваз-21013" русумли, д/р 15 AD 314, бошланғич баҳоси 3 394 955 сўм, 1985 й. и/ч "Одаз 935" русумли, д/р 15 B 804, бошланғич баҳоси 11 382 903 сўм, 1988 й. и/ч "Кавз 9368" русумли, д/р 15 B 996, бошланғич баҳоси 2 146 903 сўм, 1984 й. и/ч "Камаз-5511" русумли, д/р 15 AN 783, бошланғич баҳоси 29 268 720 сўм, 1985 й. и/ч "Краз 250" русумли, д/р 15 AN 148, бошланғич баҳоси 4 472 715 сўм, 1986 й. и/ч "Зил 133ГЯ" русумли, д/р 15 AN 788, бошланғич баҳоси 38 109 552 сўм, 1974 й. и/ч "Ваз 2101" русумли, д/р 15 AD 518, бошланғич баҳоси 3 668 044 сўм, 1991 й. и/ч "Камаз 5511" русумли, д/р 15 AN 823, бошланғич баҳоси 29 268 720 сўм, 1981 й. и/ч "Маз 500" русумли, д/р 15 AN 821, бошланғич баҳоси 32 520 800 сўм, 1988 й. и/ч "Фордтранзит" русумли, д/р 15 AN 795, бошланғич баҳоси 11 813 961 сўм, 1982 й. и/ч "Маз 504 Р" русумли, д/р 15 AN 378, бошланғич баҳоси 5 954 618 сўм, 1985 й. и/ч "М-21251010" русумли, д/р 15 AD 521, бошланғич баҳоси 2 276 456 сўм, 2008 й. и/ч "Фордланд" русумли, д/р 15 AN 909, бошланғич баҳоси 31 219 968 сўм, 2009 й. и/ч "GM UZ Nexia 2 V3D3IGLE" русумли, д/р 40 747 BAA, бошланғич баҳоси 23 073 408 сўм; Фарғона вилояти Фарғона тумани СИБ томонидан ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 14.08.2012 йилдаги 1-263-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1984 й. и/ч "М 412" русумли, д/р 15 O 95 81, бошланғич баҳоси 502 866 сўм, 1978 й. и/ч "М 412" русумли, д/р 15 B 24 33, бошланғич баҳоси 504 944 сўм, 1977 й. и/ч "Ваз 2103" русумли, д/р 15 A 96 03, бошланғич баҳоси 635 559 сўм, 1974 й. и/ч "Ваз 2101" русумли, д/р 15 O 12 25, бошланғич баҳоси 767 657 сўм, 1977 й. и/ч "Ваз 2101" русумли, д/р 15 AQ 28 78, бошланғич баҳоси 705 022 сўм, 1982 й. и/ч "Ваз 2103" русумли, д/р 15 X 59 44, бошланғич баҳоси 888 398 сўм, 1983 й. и/ч "М 412" русумли, д/р 15 V 84 02, бошланғич баҳоси 480 899 сўм, 1985 й. и/ч "М 412" русумли, д/р 15 X 1376, бошланғич баҳоси 476 541 сўм, 1977 й. и/ч "Ваз 2101" русумли, д/р 15 T 36 96, бошланғич баҳоси 794 819 сўм, 1978 й. и/ч "Ваз 2103" русумли, д/р 15 G 41 71, бошланғич баҳоси 736 785 сўм, 1978 й. и/ч "Ваз 2101" русумли, д/р 15 L 24 34, бошланғич баҳоси 701 400 сўм, 1976 й. и/ч "Ваз 2101" русумли, д/р 15 S 02 67, бошланғич баҳоси 684 984 сўм.

Автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йилнинг 21 февраль куни бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 17:00гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00да тўхтатилади. Аукцион савдолари Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар **«Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг** автотранспорт воситалари бошланғич баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг «Савдогар» ОАТБ Фарғона вилоят бўлими МФО: 00500, ИНН: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлаши ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

– аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат руйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– заклат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй.
Телефон: (+99895) 404-44-78.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ
АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

МАРКАЗИЙ ИДОРА: 2007 йилда и/ч "Нексия" русумли, бошланғич баҳоси 13 055 000 сўм, сотилиш баҳоси 14 800 000 сўм, 1998 йилда и/ч "Тайота Авенсис" русумли, бошланғич баҳоси 10 591 000 сўм, сотилиш баҳоси 11 080 000 сўм.

Гувоҳнома № 004059

Сурур

Дунёга ўзбекча боқар янги йил

Қор меҳр суратин чизади дилга,
Хаёллар айланиб боради гулга,
Нигоҳларни тикиб энг ёруғ йўлга,
Шаффоф туйғулардан яйрайди кўнгил,
Бахтнинг шевасида сўзлар Янги йил!

Олислашиб борар тобора армон,
Дилларда тошади қувонч, ҳаяжон.
Орзулар қуёшни қилади меҳмон,
Шаффоф туйғулардан яйрайди кўнгил,
Бахтнинг шевасида сўзлар Янги йил!

Деҳқоннинг қалбида янгича ҳавас,
Мудроқ уйқусида ер олар нафас,
Яшил ният қилар тупроқда ҳар хас,
Ватан севгисига тўлади кўнгил,
Кафтини дуога очар Янги йил!

Дарахтлар тушига киради баҳор,
Оппоқ афсунини сочганида қор,
Юракларда кезар муҳаббат беқор,
Умид қўшиғидан мастона кўнгил,
Омад дарвозасин очар Янги йил!

Токи турмуш обод — келажак обод,
Ишонч бўстонларин этгаймиз бунёд,
Жон ичра орзулар қоқади қанот,
Шодлик шаробидан маст бўлар кўнгил,
Дунёга ўзбекча боқар Янги йил!

Абдували СУЛАЙМОН

Ўқинг, бу қизиқ!

Биз билган ва билмаган Янги йил...

Эътиборлиси, ушбу маросимларнинг ўз тарихи бор. Масалан, байрамда совға улашиш анъанаси қадимги Римда урфга кирган ва бугунгача етиб келган. Янги йилда илк бор берилган совға лавр япроғи бўлиб, у кириб келаётган йил бахтли ва омадли бўлишининг тимсоли саналган. Хонадонларимиздаги арчани безатиш таомили эса дастлаб ҳозирги Германия ҳудудида яшовчи аҳоли орасида пайдо бўлган. Ўша пайтларда арчага ширинлик, мева ва ранг-баранг безаклар осишган. Арча ёнғоғи олов, ҳаёт ва саломатлик рамзи саналган.

Яна бир эътиборга молик нарса: Янги йил турли мамлакатларда ҳар хил даврларда пайдо бўлган. Масалан, мазкур байрамни нишонлаш анъанаси Месопотамияда милоддан аввалги III асрдаёқ мавжуд бўлган. Қадимги Мисрда Янги йилни муқаддас Шеъро (Сириус) юлдузи кўкка кўтарилиб, Марказий Африканинг катта кўлларидан оқиб чиқадиган Оқ ва Кўк Нил дарёлари қўшилиб, Нил дарёсига қуйилиш пайтида (тахминан июлдан сентябргача бўлган вақтда) кутиб олинган. Бобилда эса Янги йил 4 минг йил илгари ҳам кенг нишонланган. У ерда бу шодиёна баҳорнинг илк куни ҳисобланган тенг кунлик, янги ойнинг бошланиши билан боғлиқ бўлган.

Швейцарияда Янги йилни нишонлашда энг муҳим қоидага, яъни бошқаларнинг тинчлиги бузилмаслигига риоя этиш талаб этилади. Шу боис, у ерда байрам куни бақириш, шовқин кўтариш қилиш тақиқланади. Қолаверса, Янги йил кечасида ёнғин хавфсизлигига амал қилишганидан мушакбозлик маросимлари ҳам ўтказилмайди.

Кубаликлар Янги йил кириб келиши олдидан барча идишларни сув билан тўлдиришади ва соат миллари 12^{00}ни кўрсатганида деразадан ташқарига тўкишади. Бу эски йилни сувдай ёруғ ва равон йўл тилаб кузатишни англатади.

Японияда янги йилнинг рамзи ҳисобланган хаскашдан оммабоп буюм сифатида фойдаланилади. Маҳаллий аҳоли байрам олдидан унинг ёрдамида ўз бахтини «йиғиш»га ҳаракат қилади. Шунингдек, туннинг ярмида улкан қўнғироқ 108 марта чалинади. Ривоятга кўра, ҳар бир зарб инсондаги хасислик, баджаҳллик, фаросатсизлик, қатъиятсизлик, ҳасад каби иллатларни «ўлдиради».

Қисқаси, Янги йил турли давлатларда турлича нишонланади. Бу халқларнинг миллий менталитети, йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлари билан боғлиқ.

Феруз ЖЎРАЕВ

Янгилик

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

Кечадан бошлаб юртимизда иккита янги телеканал ўз фаолиятини бошлади. "Маданият ва маърифат" ҳамда "Дунё бўйлаб" деб ном олган мазкур телеканаллар мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кенгайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги қарорига биноан ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий мақсади аҳолимизнинг маданий ва маърифий савиясини, ёш авлоднинг илмий салоҳиятини ва маданий қадриятларимизга бўлган қизиқишини янада оширишдан иборат.

"Маданият ва маърифат" телеканали томонидан халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини асраб-авайлашга қаратилган илмий-оммабоп теледастурлар яратиш, ёшларнинг илмий кашфиётларга, маданий қадриятларга қизиқишини оширишга қаратилган трансляциянинг турли замонавий интерфаол шакллари, рақамли ва мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган дастурлар эфирга узатилади.

"Дунё бўйлаб" телеканали асосан дунёнинг етакчи телеканаллари маҳсулотларини лицензия асосида томошабинлар ҳукмига ҳавола этади. Бу халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг тарих, география, дунё мамлакатларининг ривожланиш даражаси, турли халқларнинг миллий анъаналари, оламшумул кашфиётлари, шунингдек, сайёрамиздаги қитъалар, океан ва денгизларнинг табиати, наботот ҳамда ҳайвонот олами ҳақидаги тасаввурини янада бойитишда хизмат қилиши, шубҳасиз.

"Дунё бўйлаб" телеканалининг яна бир муҳим вазифаларидан бири — юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти, экологик туризм имкониятлари ва ривожланиш даражаси ҳусусида кўрсатувлар тайёрлаб, лицензия асосида хорижий каналларга тарқатиш, юртимиздаги соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
жамоаси

Она Ватанимиз равнақи
йўлида фидокорона меҳнат
қилаётган юртдошларимизни
Янги – 2013 йил
билан чин кўнгилдан муборакбод этади.
Янги йилда кўнгиллардаги эзгу
тилаклар, барча орзу ниятлар рўёбга чиқсин.
Омад, бахт, қувонч ҳаммага ҳамроҳ бўлсин!

«QO'QON SPIRT»
акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни
Янги – 2013 йил
билан самимий қутлайди.

Янги йилда юртимиз равнақи,
халқимиз фаровонлиги йўлидаги ишларингиз
бароридан келсин. Хонадонингиздан бахт-саодат,
файзу барака аримасин!

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел:233-36-02.

Вилоят мухбирларимизнинг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 16:00
Топширилди — 16:00

Адади: 7000 Буюртма — J-6112